Бутун дунё пролетарлари, бирлашинг!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети,
Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН
№ 145 (14.007).

1968 ИЮНЬ 23 ЯКШАНБА

Баҳоси 2 тийин.

СУРАТДА: Қаркидон сув омбори.

В. Сироткин фотоси.

ФАРҒОНА области. Қува районидаги «Коммунизм» колхозида тўртта сув иншооти ишга туширилди. Бу иншоотлар секундига 300 литргача сув чиқаради ва ер ҳолатини яхшилашга ёрдам беради. СУРАТДА: иншоотлардан бири.

Г. Бойко фотоси.
(ЎзТАГ).

МЎЛ ҲОСИЛ УЧУН

Қорақалпоғистон пахтакорлари бу йил баҳорда жуда катта қийинчиликларга дуч келишди. Сув жуда танқис бўлди. Шунга қарамасдан, чигит экиш ўтган йиллардагига нисбатан 10-12 кун илгари тугалланди. Бу йилги мураккаб шароитда бунга қандай қилиб эришилди? Автоном республика деҳқонлари, механизаторлари, қишлоқ хўжалик мутахассислари мисли кўрилмаган даражада матонат, ғайрат ва шижоат кўрсатишди. Улар мўл ҳосил етиштириш борасида тўплаган бой тажрибалари, маҳоратлари ва билимларини сув танқислиги сабабли юз берган қийинчиликларга қарши қўйдилар ва ғолиб чиқдилар.

Маълумки, Қорақалпоғистон шароитида пахта майдонларини баҳорда аввал қондириб суғориш, сўнг эса 32-35 сантиметр чуқурликда ҳайдаш керак. Шундай қилинмаса, экилган чигит бир текис униб чиқмайди ва ҳосил кўнгилдагидек бўлмайди. Аммо баҳорда Амударёда сув жуда кам бўлди. Бироқ, бундан ҳеч ким шошиб қолмади, саросимага ҳам тушмади, умидсизликка берилмади. Сувнинг бир литрини ҳам нобуд қилмаслик учун курашилди. Одамлар сувни илгари ҳеч қачон бу йил баҳордагидек қадрлашмаган ва ундан тежабтергаб фойдаланишмаган эди.

Ленин номли, Қизкетган магистрал каналлари Автоном республика хўжаликлари ҳаётида ҳал қилувчи роль ўйнайди. Бу каналлар пахта далаларининг асосий қон томири ҳисобланади. Шунга қарамай, улар аввал бошда қуриб ётди. Чунки Амударё Тахиатош гидроузели ёнида тўсилган эди. Ана шу жойда тўпланган сувлар кейинроқ насослар ёрдамида Ленин номли, Қизкетган каналларига навбат билан оқизилди. Районлар, хўжаликлар ҳам навбат билан сув олди. Сув танқислиги бир ярим ой давом этди.

Пахтакорлар ҳормай-толмай қилган меҳнат, қатъият билан олиб борилган кураш, қабул қилинган мажбуриятларни бажариш учун интилиш яхши натижалар берди. Барча хўжаликларда чигит қулай агротехника муддатларида экиб ва бир текис ундириб олинди. Истисносиз ҳамма жойда кўчатнинг буд, гектарларнинг тўла бўлишига эришилди. Кўчат илгари ҳеч қачон бу йилгидек текис ва қалин бўлмаган эди. Бу — мўл ҳосилнинг нишонаси, унинг ишончли гаровидир.

Баҳордаги қийинчиликлар ҳали одамларнинг эсидан чиқмасданоқ яқинда бир қатор районларда офат юз берди. Пахта майдонларига қаттиқ жала ва дўл ёғди. Шуманай, Тахтақўпир, Чимбой ва бошқа айрим районлардаги колхоз ва совхозларнинг ғўзаси қатиқ зарарланди. Масалан, Шуманай районидаги «Тошкент» совхозида 500 гектар майдондаги ғўза бутунлай нобуд бўлди, 1500 гектар майдондаги экин эса зарарланди. А. Мусаев номли, «Шуманай» совхозларининг айрим бўлимларида 100-150 гектардан майдондаги экин шикастланди.

Шунда район партия комитетлари табиий офат оқибатларини тугатишга қарши курашнинг жанговар штабига айланди. Фақат дўл, селдан зарар кўрган хўжаликларда эмас, балки бошқа колхоз ва совхозларда ҳам ҳамма ўзини сафарбар қилинган деб ҳис этди. Совхозларнинг раҳбарлари, мутахассислари офат билан олишаётганларга бош-қош бўлишди. Зарар кўрмаган хўжаликларнинг мутахассислари уларга ёрдамга келишди. Пахта майдонларида пайдо бўлган қатқалоқ дарҳол юмшатила бошланди. Культивация, озиқлантириш, суғоришга зўр берилди.

Ғўзаси дўл ва селдан нобуд бўлган майдонларга зудлик билан қайта чигит экилди. Экин қисман зарарланган майдонлардаги ғўзалар қўшимча озиқлантирилди. Ҳозир ана шу ерлардаги экинни яқин вақт ичида бир ярим марта комплекс парвариш қилиш юзасидан белгиланган тадбирлар шошилинч равишда, ниҳоятда сифатли амалга оширилянти.

Тахтақўпир районидаги «Москва», Калинин номли, Чимбой районидаги «Кенес», «Октябрь 40 йиллиги» совхозлари ва бошқа хўжаликларда ҳам жала ва дўлдан тахминан 750-1500 гектардан майдондаги ғўза зарарланди. Тахтақўпир районидаги «Тахтақўпир», Қўнғирот районидаги Свердлов номли совхозлар, Амударё районидаги «Манғит» совхози ва Энгельс номли, Крупская номли, «Коммунизм» колхозлари, шунингдек Хўжайли ва Кегайли районларидаги баъзи хўжаликларда айрим жойлардаги экин шикастланди. Бундай майдонлар умуман Автоном республика бўйича 7000 гектарни ташкил этади.

Шу сабабли бутун куч ва эътибор дўл ва селдан зарарланган ерлардаги экинни яқин вақт ичида нормал ўсиб, ривожланаётган ғўзалар даражасига етказиб олишга қаратилмоқда Партия, совет, қишлоқ хўжалик ташкилотлари, барча пахтакорлар буни ҳозир ўз олдиларида турган энг зарур ва жанговар вазифа деб билмоқдалар. Ҳамма пахтазорда меҳнат қилянти, табиий офат оқибатларини тезроқ йўқотиш учун олиб борилаётган курашда иштирок этянти. Техника кучидан унумли фойдаланиляпти. Одамлар вақт билан ҳисоблашмай, кунни тунга улаб ишлашянти. Негаки, улар бу йил она-Ватанга 290 минг тонна «оқ олтин» армуғон этишмоқчи, олинган юксак мажбуриятни ҳар қандай шароитда ҳам тўла ado этишмоқчи. Шу боисдан улар табиий офат билан олишувда ғолиб келишянти.

«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ҲАМКОРЛИК САМАРАСИ

БУХОРО, (**«Совет Ўзбекистони» мухбири**). Бу даргоҳнинг табиий газидан баҳра олаётган саноат корхоналари, оилалар сони кун сайин ортиб бормоқда. Ана шу арзон ёнилғи манбаларини қидириб топиш ва ишга солишда «Бухаранефтегаз »бирлашмасининг ишчи-хизматчилари, инженер-техник ходимлари Москва, Ленинград, Одесса, Киев сингари йирик саноат шаҳарларининг мутахассислари билан ҳамкорликда беш йиллик вахтасида туриб меҳнат қилмоқдалар.

Малакали геологлар, геофизиклар, разведкачи — парма-ловчиларнинг самарали ишлари туфайли кейинги икки йилда Қизилқум сийнасида 60 га яқин табиий газ, 50 дан зиёд нефть конларининг қўзи очилди. Бу конлар саҳоватидан ўнлаб саноат корхоналари, 26.000 оила, жумладан 15.200 колхозчи уйида зангори олов машъаласи ёқилди.

Бундан илгари Одесса машинасозлари чуқур қудуқларни пармаловчи янги гигант механизмлардан иккитасини Бухоро газчилари ихтиёрига юборишган эди. Мазкур машиналарга Москвадан келтирилган ҳисоблаш машинаси тиркаб ишлатилди. Натижада қисқа муддат ичида 1500 километр ер ости ишлари бажарилди. Шунингдек, Киев, Ленинград, Минск шаҳарларидан келтирилган мураккаб техника воситалари ҳам Қандим, Оққум, Қулбешкак массивларида табиий газ, нефть конларини ишга туширишда оловкорларга қўл келмоқда.

«Бухаранефтегаз» бирлашмасининг инженер-техниклари москвалик ҳамкасблари ёрдамида бир неча газ ва нефть қидирувчи экспедициялар, узоқ масофада ишлаб турган конлар ишини телемеханизация ёрдамида бошқаришни ўзлаштириб олдилар. Натижада табиий бойлик ихлосмандларининг меҳнати бирмунча енгиллашди. Шу кунларда фақат «Газлинефтегаз» бошқармасида ўндан ортиқ узоқ масофадаги табиий газ конлари, бир неча нефть қудуқлари ҳамда геология-қидирув партиялари ўртасидаги алоқалар телемеханизация воситасида амалга оширилмоқда.

Мамлакатга кўпроқ табиий газ, нефть етказиб беришни таъминлаш йўлида фидокорона меҳнат қилаётганлар сафида Социалистик Меҳнат Қаҳрамони пармакаш С. Каримов, разведкачи И Браницкий, Ю. Коновальцевлар пешқадамлик қилаётирлар.

Шу кунларда Қулбешкак массивида яна тўртта чуқур қудуқ қазиляпти. Бу ердан ҳам «зангори олов» нинг янги манбалари топилиб қолса ажаб эмас. Бухоро кончиларининг қўли-қўлига тегмайди. Ҳамма беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари уддалаб, доҳиймиз В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигини муносиб кутиб олишга интилмоқда.

ЗАФАР сатрлари

● Яна уч область — Наманган, Андижон, Қашқадарё областларининг паррандачилари беш йиллик учинчи йили планини бажариб, давлатга 36 миллион донадан ортиқ тухум сотдилар.

● Сирдарё областидаги хўжаликлардан 1,5 минг тоннадан ортиқ жун олинди. Чорвадорлар бу маҳсулотни реализация қилиш ярим йиллик планни бажардилар. Бухоро ва Самарқанд областлари олти ойлик планни муваффақиятли адо қилдилар.

● Узбекистонда шоли экиб бўлинди. Республиканинг колхоз ва совхозларида 63 минг гектардан ортиқ ерга шоли экилди. Неча юз гектар қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштирган Хоразм, Сурхондарё, Бухоро ва Андижон областларидаги хўжаликлар пландан ташқари шоли экдилар.

(ЎзТАГ).



БОШҚАРМА ВА ЧОРВАЧИЛИК

Қўшқўпир Хоразм областининг илғор районларидан бири ҳисобланади. Бултур ҳар гектар майдондан 36,3 центнердан пахта ҳосили олинди. Бу йил ҳосилдорликни янада ошириш учун курашиляпти.

Пахтачилик — қишлоқ хўжалигининг асосий ва етакчи тармоғи. Пахта етиштиришни кўпайтириш биринчи даражали вазифа эканлиги ҳаммага равшан. Лекин, эндиликда «илғор» деган сўзни фақат пахта ҳосилдорлигига қараб ишлатиш ўринли бўлармикин? Бизнингча, бундай қилиш бирёқламалик бўлади. Ў ёки бу хўжаликдаги аҳволга барча иқтисодий кўрсаткичларга қараб баҳо бериш маъқул, деб ўйлаймиз. Гап — қишлоқ хўжалигини комплекс ривожлантириш устида бораётир.

Шу мулоҳазаларга кўра, Қўшқўпир районини илғор деб айта олмаймиз. Чунки пахта ҳосилдорлиги юқори бўлгани билан район хўжаликларида ажмоат чорвачилиги оқсаяпти. Бу муҳим соҳа рентабелли бўлиш ўрнига зарар келтирувчи тармоқ бўлиб келмоқда.

Район хўжаликлари ўтган йили чорвачиликдан 756 минг сўм зарар кўрдилар. Мавжуд 12 колхоздан биттаси ҳам бу тармоқдан фойда кўрмади. Чорвачиликдан келган зарар Киров номли колхозда 96 минг сўмни, Чапаев номли колхозда 86 минг сўмни ташкил этди. Районда бир центнер гўшт етиштиришга 223 сўм, бир центнер сут етиштиришга 23 сўм 10 тийин, ҳар минг дона тухум етиштиришга 194 сўм сарфланди.

Шу йилнинг ўтган ойларида ҳам чорвачилик маҳсулдорлиги паст бўлди. маҳсулотлар таннархи арзонлашмади, зарар камаймади. Районда беш ой ичида ҳар соғин сигирдан 558 килограмм, Охунбобоев номли колхозда 493 килограмм, «Москва» колхозида 482' килограмм сут олинди, холос. Гарчи давлатга гўшт, сут, тухум қорақўл тери сотиш планлари бажарилса ҳам маҳсулотларнинг таннархи қимматга тушяпти.

Чорвачиликни рентабелли тармоққа айлантиришга нималар халақит берянти? Бу соҳа нега оқсаяпти?

Район қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг раҳбарлари чорвачиликда жиддий камчиликларга йўл қўйилаётганлигини эътироф қилишади. Лекин, бошқарма бошлиғи Оллаберган Қурбонбоев, унинг ўринбосари Раҳим Машарипов, бош зоотехник Отабой Собиров ўртоқлар чорвачиликни рентабелли қилиш юзасидан бошқарма қандай тадбирларни амалга ошираётганлиги тўғрисида конкрет гап айтишмайди. Аслини олганда, бошқарма чорвачилик билан жиддий шуғулланмаяпти, аҳволни чуқур ўрганмаяпти, кўрсаткичларни атрофлича таҳлил қилмаяпти.

Ўтган ойлар ичида чорвачиликка оид масала бошқарма советида ёки бошқа бирор йиғинда муҳокама қилинмаган. Чорвачилик масаласи билан шуғулланиш бошқарма бошлиғи ўринбосари Раҳим Машарипова топшириб қўйилган. Бу кишининг фаолияти қоғозбозлик, ҳар хил маълумот йиғишдан нарига ўтмаётир. Бошқарма бирор илғор хўжаликнинг ибратли тажрибасини ўрганиб, оммалиштирмаганлиги ёхуд бирор колхозда чорвачиликнинг аҳволини пухта таҳлил этиб, муҳокама қилмаганлигини нима билан изоҳлаш мумкин? Очиғини айтганда, бошқарма раҳбарлари расмиятчилик ва юзакичилик билан иш кўрмоқдалар.

Тўғри, бошқарма бошлиғи Қурбонбоев, унинг ўринбосари Машарипов ўртоқларнинг кўп вақтлари колхозларда ўтади. Улар фермаларга ҳам боришади, бироқ, хато ва нуқсонларни кўриб қайтишнинг ўзи кифоя эмас-да. Мавжуд камчиликнинг тугатилишига эришиш, амалий иш қилиш, ташаббус кўрсатиш керак. Афсуски, ана шу етишмаянти.

Хўш, чуқурроқ ўйлаб кўрайлик: чорвачиликдаги зарар қаердан келиб чиқди? Рақамлар ичига кириб борсак, бу нарса равшан бўлади. 1967 йилги ишлаб чиқариш планида бир центнер силос етиштиришга 0,73 тийин сарфлаш кўзда тутилиб, ҳақиқатда бир сўм 34 тийин, бир центнер дағал хашак тайёрлашга 0,74 тийин ўрнига бир сўм, бир центнер беда етиштиришга бир сўм 50 тийин ўрнига бир сўм 90 тийин харажат қилинди. 248 минг сўмлик ўрнига 360 минг сўмлик ем-хашак сотиб олинди. Иш ҳақи фонди планда белгиланган 836 минг сўм ўрнига бир миллион 131 минг сўмни ташкил этди. Ортиқча харажатлар, исрофгарчиликларга ҳали ҳам барҳам берилмаётир. Зарарнинг сабаби, таннарх қимматлиги ана шунинг оқибатидир.

Беда, маккажўхори ва бошқа хашаки экинларнинг ҳосилдорлиги ниҳоятда паст. Ҳар гектар ердан 255 центнер маккажўхори кўкпояси олинганлигига нима дейсиз. Районда 1857 гектар. ўрнига 1570 гектар беда майдони бор, холос. Колхозларда бўлганимизда, ориқ, шўрхок ва камҳосилли ерларга маккажўхори ва беда экилганлигини, ўсимликлар тузук парвариш қилинмаётганлигини кўриб, ҳуноб бўлдик.

— Биз нима ҳам қилардик, колхоз раҳбарлари пахтага лойиқ кўрмаган паст ерларни хашакбоп экинларга ажратишди, деди бошқарма бошлиғининг ўринбосари Р. Машарипов.

Чорвачиликка нотўғри муносабатда бўлинаётганлиги шу сўзлардан ҳам маълум. Наҳотки, колхоз ва район раҳбарлари мустаҳкам ем-хашак базаси яратиш-чорвачиликни ривожлантиришнинг муҳим шарти эканлигини тушунмасалар?!

Район хўжаликларида чорвачилик биноларининг аҳволи зоветеринария талабларига мутлақо жавоб бермайди. Эски, зах биноларда моллар турли касалликларга дучор бўляпти. Молхоналар, бузоқхоналар етишмайди.

Гектаридан 45 центнердан пахта етиштирган Охунбобоев номли колхоз машъал сифатида мақталади. Лекин, чорвачилик соҳасида чидаб бўлмайдиган аҳвол ҳукм сурмоқда. Бултур бу тармоқдан 77 минг сўм зарар кўрилди. Колхозда 1856 бош қорамол бор, шундан 600 боши колхозда, қолганлари яйловда боқилаётир. Аммо, 100 бош мол сигадиган битта молхона бор, холос. Янги молхонага бултур пойдевор қўйилди, лекин қурилиш сира юришмаяпти. Фермани механизациялашга бефарқ қаралмоқда. Мавжуд «Арча» соғиш агрегати ишлатилмаётир. Обрўли, тадбиркор раис Собир ака Оллоберганов пахтага меҳр қўйгани каби чорвага ҳам ҳақиқий жонкуярлик билан қараса, аҳвол шундай бўлармиди!

Ленин номли, Олтибой Қурбонов номли ва «Тошкент» колхозларида ҳам чорвачилик бинолари қурилиши чўзиб юборилмоқда. Бунинг учун район колхозлараро қурилиш бошқармаси бошлиғи Ражаб Жуманиёзов ҳам айбли. Объектда иш бошланади-ю, турли сабаблар билан тўхтаб қолади, қурилиш материаллари билан таъминлашда узилишга йўл қўйилади.

Чорвачиликни рентабелли қилишга халақит берастган сабабларидан бири — фермаларни механизациялаш даражаси пастлигидир. «Москва» колхозидан бошқа бирон хўжаликда соғиш агрегатлари ишламайди. 6 колхозда озуқа цехи қурилмаган. 5 колхоз фермасида молларни суғориш механизациялашмаган, автопоилка йўқ, молларга челакда сув берилади. Молларнинг зотини яхшилаш ҳам секин амалга ошяпти, зотли молларга фақат 68 процентни ташкил этади. Сигирлардан бузоқ, қўйлардан қузи олиш қониқарсиз. Беш ойда 100 сигирдан 42 бузоқ. Охунбобоев номли колхозда эса 38 бузоқ олинган, холос.

Бу йил район бўйича 15 минг тонна хашак, шу жумладан 7705 тонна беда тайёрланиши, 26 минг тонна силос бостириши керак. Ҳозиргача 2000 тоннага етар-етмас беда тайёрланди. Хашак ўриш сust боряпти. Қизилжар яйловида пичан ўриш учун 550 киши. 44 автомашина, 9 сенокосилка жўнатилган эди. Аммо, район қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармаси раҳбарлари яйловда пичан ўришнинг қандай бораётганлигини билмайдилар. Умуман бошқарма яйловдаги аҳволдан бехабар.

Қўшқўпир район партия комитетининг ўтган йил май ойидаги пленумида, бюро мажлисларида, район ижроия комитетида чорвачилик тўғрисидаги масала муҳокама этилиб, муҳим қарорлар қабул қилинди. Афсуски, район партия комитетининг секретари М. Ражабов, район ижроия комитети раиси К. Гаффоров ўртоқлар қарорлар ижроси учун етарли қурашмадилар, натижада қатор тадбирлар қоғозда қолиб кетди. Айниқса қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармаси чорвачиликдаги ташвишли аҳволга хотима беришда фаолиятсизлик кўрсатмоқда.

Жамоат чорвачилигига муносабатни тубдан ўзгартириш, бу тармоқни рентабелли қилиш учун конкрет чораларни кўриш ва изчиллик билан амалга ошириш — район ва колхозларнинг раҳбарлари олдидаги энг муҳим вазифалардандир.

Ф. ЗОҲИДОВ,

«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ЎРИМ-ЙИҒИМ ИЛҒОРЛАРИГА ҚИЗИЛ БАЙРОҚЛАР

Ўзбекистон КП Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети областлар, районлар ва совхозлар ўртасида ғаллани ўриб-йиғиб олиш ҳамда давлатга дон топшириш ва уруғлик фонди жамғариш бўйича социалистик мусобақанинг 1968 йил 20 июнгача бўлган якунларини қараб чиқдилар.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг кўчма Қизил байроғи **Қашқадарё областига** (область партия комитетининг секретари **Р. Ғойибов**, область ижроия комитетининг раиси **И. Жалилов**, область қишлоқ хўжалик бошқармасининг бошлиғи **Т. Жабборов**, область совхозлар трестининг директори **Ф. Мусин**, «Узсельхозтехника» область бирлашмасининг раиси **П. П. Ряжков**, дон маҳсулотлари марказий базасининг директори **Ф. Фармонов** ўртоқлар) берилди. Бу область мавсум бошидан бери 64,9 минг гектар, яъни 23,2 процент майдондаги бошоқли донли экинларни ўриб-йиғиб олди, дон тайёрлаш планини 38,4 процент бажарди, уруғлик фонди жамғариш планини 6 процент адо этди.

Кўчма Қизил байроқ Сирдарё областидаги **Киров районига** (район партия комитетининг секретари **К. Искаков**, район ижроия комитетининг раиси **Р. Д. Мустафина**, район қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи **Н. Кенжабоев** ўртоқлар) берилди. Бу район мавсум бошидан бери 8054 гектар яъни 43 процент майдондаги бошоқли донли экинларни ўриб-йиғиб олди, давлатга дон топшириш планини 173,8 процент бажарди.

Кўчма Қизил байроқ Тошкент областидаги **«Галақудуқ» совхозига** (совхоз директори **Гриценко**, партия ташкилотининг секретари **Султонов** ўртоқлар) берилди. Бу совхоз мавсум бошидан бери 1720 гектар, яъни 61,5 процент майдондаги бошоқли донли экинларни ўриб-йиғиб олди, дон тайёрлаш планини 62,4 процент бажарди, уруғлик фонди жамғариш планини 100 процент адо этди.

Сурхондарё ва Сирдарё областларининг ғалла ўрим-йиғими ва давлатга дон топшириш соҳасидаги ибратли ишлари қайд қилиб ўтилди.

Ғалла ўрим-йиғими ва давлатга дон топшириш илғорларини мукофотлаш учун Қашқадарё область ижроия комитети ихтиёрига 500 сўм, Киров район ижроия комитети ихтиёрига 300 сўм, «Галақудуқ» совхозига 200 сўм пул ажратилди.



Суратда: Навоий шаҳридаги йирик химия комбинати участкаларидан бири.

В. СИРОТКИН фотоси.

Ленин комсомолининг 50 йиллиги олдидан

ИБРАТЛИ УМР

Пешин намозига кўп одам йиғилмади. Бироқ имом шу имкониятдан ҳам ўз мақсади учун фойдаланмоқчи бўлди. Унинг наздида гуноҳкорларнинг бири кечаги ялангоёқ Комилжон эди. Комилжон ер ислоҳотини ўтказишда актив қатнашди. Бойларнинг ва вақф ерларини мусодара қилиб камбағалларга бўлиб беришда фаол иштирок этди. Жамоат ишларида қатнашиб, синфий душманларнинг сирини фош қилди. У мажлисларда нутқ сўзлаб янгиликни тарғиб қилар, хат-хабарлар билан газеталарда, актив қатнашарди. Шунинг учун ҳам у бир овоздан Ленин комсомолига қабул қилинди. Шариат пешволари бунга чидаб туришолмади. Унинг пайини қирқиш мақсадида уч марта фитна уюштирилди, лекин ёлланган қотиллар бу ишнинг уддасидан чиқа олмади. Бугун имом яна бир шумлик қилиб кўрмоқчи. Энг яқин кишиларини олиб қолиб уларга шивирлади:

— Ҳалиги Комилжон Абдуллаевни ҳаммангиз биласиз. У шариатга тил текизган, кофир. Бошимизга не-не кулфатлар солмади. Комсомолга кириб, диндан чиқди. Бундай одамнинг жазоси ўлим.

Бу сўзни тинглаб ўтирганлар ҳам аламзадалар эди. Бири бойлигидан, бири беҳисоб еридан, учинчиси обрўсидан ажраган. Шунинг учун ҳам улар имомнинг фатвосига жон-дилларидан розилик бўлишди. Комилжонни ўлдириш режаларини тузиб, тарқалишганда вақт ярим кечадан ошган эди.

Қотиллар деворлардан ошиб тушишди. Ҳовли жим-жит. Аллақаерда итлар вовуллайди. Комилжон мана шу баланд сўрида ухлаб ётибди. Сўри шотиси олиб қўйилган. Сўри оёқларидан тирмашиб чиқишса, уйғониб қолиши мумкин. Нима қилиш керак. Энг муҳими уни уйқусида босиш керак. Акс ҳолда, қаршилик кўрсатади. Қуроли ҳам бор. Ўк узилди дегунча, Сегаза қишлоғи оёққа туради. Ишқилиб тўртинчи ҳаракат ҳам зое кетмаса эди. Қотиллар шу фикрда сўрига тирмашдилар. Улар тўрт киши эди.

Комилжон шу куни ниҳоятда чарчаган эди. Кун бўйи колхоз тузиш билан боғлиқ бўлган мажлисда қатнашди. Яхшиёмон гапларни эшитди. Сегаза қишлоқ Советида яна бир артель ташкил топганидан хурсанд бўлиб уйга қайтди.

Комилжон шитирлаган товушдан уйғониб кетди. Атрофга разм солди: сўри эшиги тирқишидан ханжарнинг учи кўринди. Эшик ортида турган шарпа тамбани бир томонга суриб, эшикни очмоқчи бўларди. «Афтидан, улар кўпчиликка ўхшайди. Ҳеч бўлмаса, ўтказди Комилжон. Дарҳол қўлига милтиқни олди-да, ханжар кўринган ерни мўлжаллаб тепкини босди. Ўқ овози атрофни ларзага келтирди. Кимнингдир инграгани эшитилди. Қотиллар қочди. Ҳовлига чироқ кўтарган одамлар йиғилганида, ярадор бўлган қотилнинг қон излари қолган эди, холос. Шундай қилиб актив жамоатчи, ёш комсомол ходими Комилжон 1929 йилда тўртинчи ўлимдан қолди.

... Улуғ Ватан уруши йиллари. Горький шаҳридаги госпиталлардан бирига Комилжонни оғир аҳволда келтиришди. У беҳуш эди. Врачлар уни дарҳол операция столига ётқизишди. Ҳушига келса, палатада ётибди. Ҳамшира М. Ильинина жилмайиб турарди.

— Мана, энди тез кунда тузалиб кетасиз, жангчи. — деди ҳамшира. Шу бир оғиз илиқ сўз Комилжонга куч, руҳий мадад берди. Кўз олдидан комсомол йиллари ўтди. Колхозлар тузди, комсомол топшириқларини оғишмай бажарди. 1939 йилгача Ленин район комсомол комитетининг инструктори, секретари вазифаларида ишлади. Кейинчалик Қизил ярим ой жамиятининг раиси вазифасини ўтади. 1941 йилда она-Ватанни немис босқинчиларидан ҳимоя қилишга жўнади. Смоленск, Витебск ва бошқа шаҳарларни душмандан озод қилишда жасорат кўрсатди. Икки марта ярадор бўлди.

Ана ўшанда Ленин район Энгельс номли колхозда истиқомат қилувчи ота-онаси, йўлига интизор ёри устма-уст икки марта «қора хат» олишди. Улар одатдаги расм-русмларни қилиб, ундан умидларини узиш ҳам пайтда, Комилжон ғазалиб яна жанг майдонига кирган эди. Бу унинг охирги жангга кириши эди. Олдинги сафда жанг қилиб душманнинг икки танкини сафдан чиқарди. Яна оғир ярадор бўлди. Яна госпитал...

Беморнинг аҳволи секинлик билан яхшиланиб борди. 1944 йилда Комилжон ҳамширалар кузатувида уйига кириб келди. Уни аллақачонлар «ўлди»га чиқариб юборган кишилар билан яна дастурхон устида учрашди. Тинч қурилиш ишига, коммунистик жамият барпо этиш ишига астойдил бел боғлади.

Биз Комилжон ака Абдуллаев билан суҳбатлашиб ўтирибмиз. У киши Ленин комсомоли эстафетасини ёруғ юз билан ёшларга топширган. Ҳамқишлоқлари катта ҳаёт йўлини босиб ўтган комсомол ветеранининг ҳурматини жойига қўйишади. Унинг икки ўғли яқинда ВЛКСМ сафига қабул қилинди. Бу, ота учун жуда катта қувонч бахш этди.

Комилжон ака Абдуллаев фронтдан қайтгандан буён совет савдоси системасида ишламоқда. Ўзининг камтарин меҳнати билан умум ишига ҳисса қўшиб келяпти.

К. ФОЗИЛОВ,
Ленинск шаҳри.

НАМАНГАН. Консерва заводида янги технология линияси ишга туширилди. СУРАТДА: корхонанинг илғор пайвандловчилари.

Е. КОРНИЕНКО фотоси. (ЎзТАГ).

САМАРҚАНД ЧОРВАДОРЛАРИНИНГ МУВАФФАҚИЯТИ

САМАРҚАНД («Совет Ўзбекистони» мухбири). Кўзилатиш кампаниясини муваффақиятли ўтказган Самарқанд областининг қорақўлчилари давлатга сифатли қорақўл тери етказиб бериб, беш йиллиннинг учинчи йили топшириғини ошириб бажарган эдилар. Бугун улар яна бир зафар қучдилар. Область колхозлари ва совхозлари ярим йиллик жун тайёрлаш планини 101,5 процент адо этдилар. Утган йилнинг худди шу кунидагига нисбатан 3300 центнер кўп жун тайёрланди ёки ҳаммаси бўлиб давлатга 18 минг 800 центнердан ошиқ юқори сифатли жун сотилди. Бу зафарга Нурота, Ғаллаорол, Хатирчи район чорвадорлари катта ҳисса қўшдилар.

Л. ЭРГАШЕВ.

Капитал қурилиш — зарбдор фронт

СУРЪАТ ОТИГА ҚАМЧИ БОСИНГ

Тахиатош гидроузели Қорақалпоғистон Автоном республикаси экономикасини ривожлантиришда муҳим роль ўйнайди. У Хоразм области ҳамда Туркманистон ССРнинг Тошовуз группа районларидаги бўз ва партов ерлардан самарали фойдаланиш имконини беради. Гидроузел қурилиши тугаллангач, унинг ёрдамида 900 минг гектар ер суғорилади. Шундан 750 минг гектари янги ерлар бўлиб, уларнинг асосий қисмига шоли экиш мўлжалланмоқда.

Кўриниб турибдики, гидроузел қанча эрта ишга туширилса, шунчалик ютамиз. Қақраб ётган ерлар, сувга зор майдонлар ана шу иншоот ёрдамида халққа хизмат қилади. Гидроузел қурилиши беш йилга мўлжалланган. Қурилиш ишларини жадаллаштириш мақсадида бир қанча ёрдамчи корхоналар — темир-бетон буюмлари, асфальт-бетон заводлари, ремонт-механика устахонаси, автобазалар қуришга киришилган.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика Министрлар Совети Амударёнинг қуйи қисмидаги ана шу иншоот қурилишини тезлаштириш ҳақида махсус қарор қабул қилган эди. Шундан кейин Тахиатош «Гидроэнергострой» қурилиш бошқармаси ҳамда унинг пудрат ташкилотлари ишни бирмунча жонлантирдилар. Ўтган йили 10600 сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилди. Саноат ва маданий-маиший объектлардан базилари ишга туширилди. Гидроузел қурилиши учун материал етказиб берадиган база яратишда ҳам муайян ишлар қилинди. Ҳар йили 35 минг кубометр темир-бетон ишлаб чиқарадиган завод, автобазанинг бош корпуси, темир йўл тармоғи, тош ва асфальт йўллар, кўприклар барпо этилди. 27 минг квадрат метр уй-жой қурилди. 140 ўринли болалар боғчаси, 50 ўринли ошхона фойдаланишга топширилди. Юмуртов карьерига олиб борадиган темир йўл қурилди. Бошқа бир қатор ишлар ҳам амалга оширилди. Яқинда гидроузел тўғонига дастлабки бетон ётқизилди.

Аммо қурилиш ишларини олиб боришда жиддий сусткашликка йўл қўйилмоқда. Қурилиш ишлари 1964 йилда бошланганига қарамасдан, капитал маблағлардан фойдаланиш, 1968 йил 1 майига қадар 24.3 миллион сўмнигина ташкил этди. Шундан 20.2 миллион сўмликкина қурилиш-монтаж ишлари адо этилди. Бу, иншоот умумий смета қийматининг 16.5 процентинигина ташкил қилади. Шу тариқа ўтган йили гидроузел бўйича қурилиш-монтаж ишлари плани бажарилмай қолди. Пудратчилар ҳам яхши ишлашмади. Планни «Средазтрансстрой» трести 208-қурилиш бошқармаси 76 процент, республика Автомобиль транспорти ва тош йўллар министрлиги ташкилотлари 57 процент, 14-кўприк қурилиши отряди 89 процент, республика Қурилиш министрлиги ташкилотлари 26 процент адо этдилар. 1967 йили капитал маблағлардан фойдаланиш ундан олдинги йилдагига нисбатан 798 минг сўм камайиб кетди. Пудратчи ташкилотлар бу йил ҳам дуруст ишлашмаяпти. Беш ойлик қурилиш-монтаж ишлари топшириғи ора йўлда қолиб кетди.

Тахиатош «Гидроэнергострой» бошқармаси (бошлиғи П. Потехин, бош инженери А. Доморецкий, партия комитетининг секретари В. Косенко ўртоқлар) ишда бурилиш ясаши зарур. Бу ерда меҳнат интизоми бўшашиб кетган. Оқибатда меҳнат унумдорлиги ҳам паст. Бошқарма раҳбарлари қурилиш механизмлари ва машиналардан самарали фойдаланиш учун меҳнатни тўғри ташкил этишлари, пудратчилар билан алоқани мустаҳкамлашлари, молиявий ишларни пухта йўлга қўйишлари керак.

Ишчи кучларидан тўғри фойдаланиш тадбирларини амалга оширмай туриб, бу соҳадаги камчиликларни бартараф этиш қийин. Бошқарма бу йилги планининг 53 процентини гидроузел иншоотидаги ишлар ташкил қилади. Шунга қарамай, қурилишдаги 864 бинокордан 148 кишигина гидроузел иншоотида ишламоқда. Ишчиларнинг малакаси паст. Инженер-техник ходимлар ҳамда хизматчилар ўртасида ташаббускорликни қучайтириш талаб этилади. Ҳаммом, уй-жой, кўприк қурувчилар отряди посёлкаси каби объектлар қурилиши чўзиб юборилмоқда.

Тахиатош ёнидан табиий газ ўтиб турибди. Кўпчилик корхоналар зангори олов ёрдамида ишламоқда. Аммо «Узсантехгазмонтаж» трестининг механизациялашган кўчма колоннаси (бошлиғи ўртоқ В. Кузнецов) айби билан 33-уй-жой квартали, кўприк қурувчилар посёлкаси ва микрорайондаги уй-жойлар газлаштирилмай қолаётир.

«Ўзбекгидроэнергострой» трести раҳбарлари Тахиатош гидроузели зарбдор қурилиш объекти эканлигини инобатга олмаяптилар чоғи. Чунки қурилиш объектларига ёрдамчи материаллар етказиб бериш сусайтириб юборилган. Ўтган йили пландаги 45 минг ўрнига 26 минг кубометр қум етказиб берилди. 80 минг ўрнига 32 минг кубометр шағал-тош билан таъминланди. Шу йил биринчи кварталида қум етказиб бериш плани 50 процент бажарилди. Ҳозир ҳам аҳвол ўзгаргани йўқ.

Бу йил 274 объект титул рўйхатига киритилган. Шулардан 115 таси янги объектлардир. Улар учун шифер, керамзит, темир-бетон, нефтебитум ва бошқа материаллар кам ажратилмоқда. Материаллар бўлмаса, етишмаса, объектларни тиклаб бўлармиди!

Республика Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги бош пудратчилар билан келишмасдан туриб қурилиш планларини тез-тез ўзгартириб туришга одатланиб қолди. 1966 йилда қурилиш плани 5 марта, ўтган йили 2 марта, шу йил бошидан буён эса 2 марта ўзгартирилди. Қурилишда ишни пухта ташкил этиш ўрнига план ўзгартиравериш суръатни тезлаштирмайди. Гидроузел иншооти қурувчилари учун зарур машина-механизмлар вақтида ажратилмаяпти, етказиб берилмаяпти. Ўрта Осиё темир йўли ҳам бу муҳим объектга материаллар етказиб беришни тезлаштириш тадбирларини кўриши керак. Биринчи кварталда 3300 ўрнига 1234 вагонгина юк ташишга ажратилди.

Тахиатош гидроузели қурилишини тезлаштириш учун алоҳадор ташкилотлар яқиндан ёрдам беришлари зарур. Шундай қилинмаса, иншоот қурилиши чўзилиб кетаверади. Суръат отига қамчи босинг, гидроиншоот бунёдкорлари!

Р. ЕШИМБЕТОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ЁШ ЛЕКТОРЛАР СЕМИНАРИ

20 июнда Тошкентда республикадаги комсомол лекторларининг уч кунлик семинари ўз ишини тамомлади. Бу семинарни Ўзбекистон Комсомоли Марказий Комитети уюштирди. Семинарда область, шаҳар ва район комсомол комитетлари лекторлар группаларининг раҳбарлари, ёшлар ўртасида билимларни пропаганда қилувчи область, район ва шаҳар комиссияларининг раислари, халқаро мавзуларда лекция ўқувчи лекторлар қатнашди. Улар ўз тажрибаларини айирбошладилар. ВЛКСМнинг 50 йиллиги ва В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллиги муносабати билан ёшлар ўртасида олиб бориладиган лекция пропагандасининг вазифаларини муҳокама қилдилар.

Семинар қатнашчилари ёшларни революцион, меҳнат ва жангговар традициялар руҳида тарбиялаш, ёшларни интернационализм руҳида тарбиялаш масалалари тўғрисида, ёшлар ҳаракати ва барча мамлакатлардаги демократик ёшлар билан ҳамкорликни кенгайтириш проблемалари тўғрисида лекция тингладилар.

Семинар қатнашчилари Ўзбекистон комсомолининг ветеранлари билан, шунингдек республика олимлари, ёш шоирлар, композиторлар, рассомлар билан учрашдилар. Ёш лекторлар шаҳар бўйлаб экскурсия қилдилар, музей ва театрларда бўлдилар, пойтахтдаги энг йирик қурилишлар билан танишдилар. (ЎзТАГ).

ПАРТИЯВИЙ ИШДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

В. И. ЛЕНИН ЮБИЛЕЙИГА

БУХОРО, («Совет Ўзбекистони» мухбири). Бухоро область партия комитетининг ташаббуси билан улуғ доҳий В. И. Ленин туғилган куннинг 100 йиллиги олдидан партия, совет ташкилотлари раҳбар ходимларининг совет давлати адабиётини чуқур ўрганиш мақсадида — маҳорат мактаби ташкил этилди. Маҳорат мактабининг дастлабки машғулоти ўтказилди. Машғулотни область партия комитетининг биринчи секретари ўртоқ К. Муртазоев кириш нутқи сўзлаб очди. Шундан кейин Бухоро педагогика институтининг доценти К. П. Храмцова М. Казакевичнинг «Кўк дафтар» қиссасида революцион тарихий шароитнинг тасвирланиши ҳамда совет давлати адабиётида В. И. Ленин образи» деган темада лекция ўқиди.

Область партия комитетининг бюро аъзолари, шаҳар, район партия комитетларининг секретарлари, область совет ташкилотлари ва идораларининг бошлиқлари М. Казакевичнинг «Кўк дафтар» қиссаси ҳамда совет адабиётида В. И. Ленин образининг гавдаланиши хусусида чуқур мунозара ва мухокама юритдилар. Мунозараларда Когон район партия комитетининг биринчи секретари Н. Саидаҳмедов. Бухоро шаҳар партия комитетининг секретари М. Ғуломова, «Бухаранефтегазразведка» трестининг бошлиғи А. Г. Лачков, Бухоро район партия комитетининг бўлим мудири Р. Қорёғдиев ва бошқа ўртоқлар «Кўк дафтар» қиссасида революцион тарихий шароитнинг тасвирланиши ҳамда совет давлати адабиётида доҳий В. И. Ленин образининг гавдаланиши тўғрисида мулоҳаза-мунозара қилдилар.

Область партия, совет ташкилотлари раҳбар ходимлари маҳорат мактабининг навбатдаги машғулот-семинарларида М. Горькийнинг «Она» романи, М. Шолоховнинг «Очилган қўрик» асари, «Ўзбек совет адабиётида партиявийлик, халқчиллик ва замонавийлик проблемалари» тўғрисида фикр-мулоҳазалар юритилади, муҳокамалар бўлади. Ҳар бир машғулот охирида ўша давлий асар асосида тайёрланган кино-фильмлар намойиш қилинади.

Т. НАЗИРОВ.

БИНОКОРЛАРНИНГ ТАЖРИБА МАКТАБИ

Шу кунларда Андижон район колхозлараро қурилиш бошқармаси область қишлоқ бинокорлари учун тажриба мактаби бўлиб қолди. Район иморатсозларининг ибратли тажрибаларини ўргатиш учун келиб-кетаётганларнинг сони беҳад.

Бу ерда областдаги колхозлараро қурилиш бошқармаларида ягона йиғма-темир бетон полигони ишга туширилган эди. Бинокорлар ҳозир полигонда панеллар ишлаб чиқаришни йўлга қўйдилар. Районнинг Киров номли ва Охунбобоев номли колхозларида ана шундай панелдан 30 та уй қуриб фойдаланишга топширилди. Бошқача қилиб айтганда, мазкур иморатлар бир дона ҳам ғишт ишлатмасдан барпо этилди.

Беш йилликнинг учинчи йилида 55 та ана шундай уй қурилди. Қишлоқ қурилишини индустриал негизларга кўчираётган бошқарма азаматлари панель ишлаб чиқаришга муҳим ўзгартиш киритдилар. Жумладан ёғоч ишлаш цехида чиндирга чиқарилган қиринди-лардан фойдаланиш йўлга қўйилди.

Ана шундай панелнинг бир кубометри 33 сўмга тушади. Район қурилиш ташкилоти бундай панелдан фойдаланиш эвазига йилига 64 минг сўм иқтисодий фойда кўряпти. Панелдан тикланган уй ғиштдан тайёрланганига нисбатан 500 сўм арзонга тушяпти.

Бошқарма мутахассислари яна бошқа фойдали ҳам ҳисоблаб чиқдилар. Агар ғишт билан қишлоқда уйлар қурилган чоқда битта иморат учун машина 30 марта қатнаб ғишт, 12 марта қум, 36 марта шағал эltиши керак экан. Панел ишлатилиши билан бундай ортиқча транспорт қатновига чек қўйилади. Битта уйга кетадиган панелни ташиш учун машинанинг 9 марта қатнаши кифоя.

Бошқарма бош инженери Ғуломжон Аҳмадалиевнинг номи область бинокорлари даврасида тез-тез тилга олинмоқда. Бунинг боиси бор. Ўртоқ Аҳмадалиев яратган колхоз дала шийпонининг лойиҳаси кўпчиликнинг эътиборини ўзига тортаётир. Райондаги Энгельс номли колхозда шу лойиҳа асосида дала шийпони қуриб битказилди. 3 хонали ва икки томони айвондан иборат бу шийпон 16 кунда тикланди.

Панелдан тикланган шийпон ғиштдан тикланган шийпонга қараганда 930 сўм арзон туради. Қулай, арзон ва кўркам шийпон колхозчиларга маъқул тушди. Бинокорлар тағин 8 та шундай шийпон қуришга буюртма олишди.

Бошқарма иморатсозлари ҳозир бошқа областлардан йиғма-темир-бетон плиталари ташиб келишга барҳам бериш устида бош қотиришяпти. Шу мақсадда бошқарма полигонида йиғма темир-бетон плиталари ишлаб чиқаришни ўзлаштиришга киришдилар.

Беш йиллик планни муддатидан илгари бажариш ва улуғ доҳиймиз В. И. Ленин туғилган кунининг юз йиллик юбилейи шарафига бошланган умумхалқ социалистик мусобақасига қўшилиб ишлаётган бошқарма бинокорлари шу йилнинг биринчи кварталига белгиланган планни 150 процент адо этишди. Тўрт ойлик план ҳам орттириб бажарилди. Пландаги 36 ўрнига 58 та турар-жой биноси фойдаланишга топширилди. М. Йўлдошев, Н. Иброҳимов, А. Тиллабоев ўртоқлар бошлиқ комплекс бригадаларнинг фидокор қурувчилари айниқса ғайрат билан ишлаб, умумий юксалишга муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

Т. ТЕШАБОЕВ,
М. НИЕЗОВ.

УЧ БАҲОДИР

Муҳим топшириқ билан Оққопчиғой қишлоғига келган Назир Абдураҳмонов ўша ерда тунаб қолди. Бундан хабар топган қонхўр Ҳайиткал қишлоққа бостириб кириб, Назир Абдураҳмоновни қўлга олди.

— Мачитларга газета ёпиштирган, русларга йўлчи бўлиб келган сенмисан? Кишилар ўртасида ғайридин уруғини сочган, кишиларни динсизликка чорлаган сен аҳмоқмисан?!

— Ҳа, халқ халоскорлари билан биргa келган менман. Ғайридин уруғини эмас, балки ҳақиқат уруғини сочган менман. Халқни ҳақиқий инсонликка ундаган, уларнинг кўзини очадиган — газета ва варақаларни тарқатган ҳам менман...

Улар ўртасидаги сўнгги тўқнашув ана шундай бўлган эди.

Ёз келди. Ражаб Наимов Регар гарнизонига почта олиб бораётганида, Октепа қишлоғи ёнида Эшбой каллакесарларига дуч келди. Улар унинг йўлига кўндан буён тузоқ қўйиб юришган эди. Тинтув қилишди. Хуржундаги хат ва газеталарни олиб, кўр Эшбой ёнига олиб боришди. Ватанфурушлар уни гириклайин кўпкар қилиб юбордилар...

Куз, хазонрез бўлди. Ҳамдам Мирзаев Қизил аскарларни қарши олар, уларни жой, озиқ-овқат, отларини эса емиш билан таъминлар эди. Бундан хабар топган босмачилар мулла Ражаббекка етказишди уни. Мулла Ражаббек қонхўрлари Ҳамдам Мирзаевга нисбатан қиличини кўп қайради. Унинг пайини қирқиш учун турли найранглар ишлатдилар. Базмларга чақирдилар. Ҳамдам Мирзаев яхши дўмбирачи ва қўшиқчи эди. У бўлган ҳар бир базм қизиқарли ўтарди. Ана шундай ўтиришлардан бирида нотаниш «меҳмон» уни зимдан кузатди, сўзларини ёдлаб тинглади, магзини чақди. Ҳамдам Мирзаев Бухоро амири, Октябрь чиқилоби, янги тузум ҳақида гапирарди...

Бозордан қайтаётган Ҳамдам Мирзаев Сўфиён қишлоғига етмай, олти отлиқ кишига дуч келди. Улар орасида бундан уч кун бурун базмда бирга ўтирган нотаниш «меҳмон» ҳам бор эди.

— Биз сени кутаётган эдик. Бизнинг бегимизга ҳам дўмбира чертиб, янги ҳукумат ҳақида гапириб берсанг...

Йўлтусарлар уни Андаҳўжа қишлоғидаги мулла Ражаббек олдига олиб боришди, кийнашди, сўроқ қилишди. Аммо бирор гап олишолмади. Андаҳўжа саҳнгоғида уни улоқ қилиб чопдилар. Бу воқеани ўз кўзи билан кўрган ўша ерлик уста Азим: «Бошн кесиб ташланган мурдага бек сарбозлари улоқка ташланган чавандоздек ташланар, уни бир айлантириб келиб, яна ўртага ташлар эдилар», деб эслайди.

Қариб ярим асрдан буён номи халқ дилидан ўчмаган бу уч ўғлон ким эди? Нима учун уларнинг номини қариялар ҳали-ҳали ўкинч билан эслайдилар.

... Улар уч ўғлон эди. Назир Абдураҳмонов. Шўрчи районининг Кўмпайкал қишлоғидан. Ражаб Наимов билан Ҳамдам Мирзаев эса Сариосиёнинг Дашнобод ва Шоқишлок деган кўримсиз, чекка қишлоғида туғилиб ўсишган. Ёшлигидан эски тузум азоб-уқубатларига шерик бўлган, аччиқ-чучугини татиган. Юрт озодлиги, халқ бахти, эрк ва ҳуррият учун курашган. Шу олижаноб мақсад йўлида қора қучлар қўлида қаҳрамонларча ҳалок бўлганлар.

Бошда бир-бирларидан йироқда яшаб, ёшлик йилларини турли қишлоқларда турли тоифадаги кишилар эшигида ўтказган уч ўспирин амир йигитлари са-

СУРАТДА: Оржоникидзе районидаги Дўрмон қишлоғининг бугунги жамоли. Ж. Раззоқов фотоси.



СОВХОЗ СТАДИОНИ

Ишларнинг спортга бўлган кизиқишини ҳисобга олган Сирдарё область. Боёвут районидаги 1-«Боёвут» совхоз раҳбарлари 8000 киши.га мўлжалланган стадион қурилишини планлаштирган эдилар. Қурувчилар стадион қурилишини эўр суръатлар билан бошлаб юборган эдилар. Стадион битай деб қолди.

Шу кунларда стаднон атрофига темир-бетон ётқизилмоқда. Стадионда волейбол ва баскетбол майдончалари, югуриш йўлкалари бўлади.

П. БУХОРОВ.

ЯХШИ АНЪАНАЛАРИМИЗ

МЎЙСАФИДЛАР ДАСТУРХОНИ

Ўтган йили Булунгур районидаги «Октябрь» колхозининг бир группа мўйсафидлари «Тўйларимиз ширин бўлсин, зарарли урф-одатларга барҳам берайлик» дейишди. Бу ташаббус областимиз меҳнат аҳлининг айни муддаоси бўлиб чиқди. Янги анъана барча қишлоқ ва посёлкаларда қизғин қўллаб-қувватланди. Тўйларимизнинг мазмуни ўзгара борди. Тўйларимиз қувноқлик, бахт-саодат кечасига айлантирилди.

Областимизнинг қайси районига борманг, ана шундай завқли тўйларнинг ҳурматли меҳмони бўласиз, гўзал анъаналарнинг гувохи бўлиб қувонасиз. Бундай анъаналар айниқса, кўпгина хўжалик ва районларда «Бахт уй»ларининг ташкил этилиши, тўй кечасида йигит ва қизнинг яйраб ўтириши, бадиий ҳаваскорларнинг концертлари ва бошқа янги удумларда намоён бўлмоқда. Бунда маҳаллий партия ташкилотлари ва қишлоқ Совети ходимларининг нўшган ҳиссалари беқиёсдир.

Бугун биз ана шу янгиликлардан қувонган ҳолда айрим истакларимизни айтмоқчимиз.

Кўпгина тўйларимизда ёшлар стол атрофида, нексалар эса супада ёки тахта наровтда ўтиришади. Одатда аввал стол устига қанд-курс, турли хилдаги ширинлик ва мевалар тортилади. Кейин шароб келтирилиб, набоб ҳам қўйилади, охирида эса палов ҳам ёддан чиқмайди. Лекин мўйсафидлар дастурхонига очиғи, унчалик менсимай қарашади. Биз ҳаммамиз ҳам шунга одатланиб қолганмиз. Қолаверса мўйсафидларнинг ўзлари ҳам бунга ўқинмайдилар. Ёшларни «қўша қаришсин» деб, дуо қилиб нетаверадилар. Чунки улар шунга нўниқиб қолишган. Жиддийроқ ўйлаб боқилса, бу одатнинг ярамаслиги аён бўлади. Бизнингча нексаларнинг дастурхони ҳам тўкин-сочин бўлмоғи, биринчи навбатда уларнинг олдига мева-чева, ширин-шарбатлар қўйилиши керак. Чунки, бизга шундай фаровонликни ана шу мўйсафидларимиз яратиб берганку, ахир.

Тўйни бошқаришда ҳикмат кўп. Бу вазифа тадбиркор, сўзга чечан, маданиятли кишига топширилса яхши бўлади. Бир тўйда 18 киши сўз олди. Лекин бирорта ҳам ёдда қоладиган, қалбга бориб тегадиган сўз бўлган эмас. Бунинг устига нотиқлардан бири куёв ва келин бир ёнда қолиб, ёнида ўтирган бошлиғини мақтай кетди. Қадаҳни ҳам бошлиғининг саломатлиги учун нўтаришни таклиф этди. Хўш, нечада шундай эзма, бефаросат кишига сўз бериш шартми? Бундан ташқари меҳмонлар тўйга нутқ тинглагани келишмайди-ку. Булар ҳаммаси, ҳеч шубҳасиз, тўйга раислик қилувчининг, қолаверса тўй комиссиясининг хатосидир.

Бир ўртоғим шаҳардаги курс-дошининг тўйига иштирок этиб, негадир ундан юраги ғаш бўлиб қайтганини гапириб қолди.

— Демак, иззат-ҳурмат жойида бўлмабди-да?

— Йўқ, жуда ҳурмат қилишди.

— Балки мастлар нўпайиб, таъбингни хира қилгандир.

— Йўқ, жуда маданиятли бўлди...

Маълум бўлишича куёвнинг акаси каттароқ идоралардан бирида ишлар экан-у, кечада фақат унинг ёру-жўралари жам бўлишибди. Тўйхонада куёвнинг дўстлари, келиннинг дугоналари нўримасмиш. Куёвнинг акаси тўйни ташкил қилиш масаласида ёшлар билан маслаҳатлашмаган бўлса керак.

Бугина эмас, кўпгина жойларда ҳозиргача «Бахт уй»лари ёки тўй ўтказадиган нулай жойлар, столстул ва бошқа тўй жиҳозлари етишмайди.

Тўйларимиз фаровонлик рамзи. Айниқса, бу тўй йигит билан қизнинг умрида фақат бир бор бўлар экан, завқли, файзли, дилкаш, унутилмас бўлиши керак.

Н. РАҲМАТОВ.

Самарқанд область. «Ленин йўли» газетасининг ходими.

Суръат суст, сифат паст

ТЕРМИЗ. (**«Совет Ўзбекистони мухбири»**). Сурхондарё областидаги ғаллазорлар майдони сал кам 71 минг гектарни ташкил этади. Бундан 30 минг гектардан кўпроғи арпа. Ғаллакорлар шу йилнинг ўзидаёқ донли экинларнинг ялпи ҳосилини уч ярим баравар ошириш, камида 75 минг тонна дон етиштириш учун курашиб, сўгориладиган ва лалмикор ерларда мўл-кўл ҳосил етиштирдилар. Мутахассисларнинг мўлжалларига қараганда етиштирилган дон олинган мажбуриятни ошириб бажариш имкони беради.

Ҳозир ғалла ҳамма жойда тўла пишиб етилди. Энди деҳқонлар олдида арпа ва бугдойни қиска вақтда тез ва соз ўриб-йиғишдек муҳим ва масъулиятли вазифа турибди. Областнинг жанубий районларида арпа ўрининг бошланганига уч ҳафта бўлди. Энди бу районларда бугдойга ҳам ўроқ тушди.

Областдаги қўпчилик хўжаликлар дастлаб ғалла ўримини анча яхши бошлаган эдилар. Лекин кейинги кунларда бу ғоят муҳим ишнинг суръати ҳаддан ташқари сусайтириб ва сифати пасайтириб юборилмоқда. 17 июнгача область бўйича бор-йўғи 15 процент майдондаги ғалла ўриб олинди. Белгиланган графикка асосан ҳар куни 2000 гектар ғалла ўриб олиниши лозим бўлгани ҳолда, 1000 ва ундан сал кўпроқ майдондаги ҳосил ўриляпти, холос.

Ўрим-йиғимнинг аҳволи энг йирик ғаллакор Бойсун районида айниқса ачинарли. Район совхозларидаги 24.331 гектар бугдой ва арпадан энди 3985 гектари ўриб олинди. Бу умумий майдоннинг атиги 16 процентини ташкил этади. Белгиланган топшириққа кўра куниига 800 гектар ўрнига 350—360 гектар ғалла ўриляпти. Аҳволнинг бу қадар ачинарли бўлишига асосий сабаб шуки, хўжаликлардаги мавжуд комбайнларнинг тенг ярми турли сабаблар билан ишлатилмаяпти. Районда суръат сустлиги устига сифат ҳам жуда ёмон. Ўрилган ғаллани ўз вақтида янчиб олиш ва давлатга топшириш пайсалга солиняпти. Натижада айрим жойларда нобудгарчиликка йўл қўйилмоқда. Район партия ва совет ташкилотлари (район партия комитетининг секретари Х. Холиков, район ижроия комитетининг раиси Н. Аъзамов ўртоқлар) ўрим-йиғим ишлари устидан қаттиқ назорат ўрнатмаяпти. Улар талабчанлик ўрнига, муросасозликка, ишдаги жиддий хатоларни хас-пўшлашга ҳаракат қиляптилар. айрим хўжаликларнинг ношуд раҳбарларидан масъулият ва жавобгарликни талаб этмаяптилар. Шу сабабли «Бойсун», «Сайроб», «Шеробод», «Работ» совхозларида ғалла ўрими ниҳоят даражада сust бормоқда.

Шеробод районидаги колхоз ва совхозлар 14174 гектар ерда мисли кўрилмаган мўл ғалла ҳосили етиштирдилар. Аммо, айрим нўнок раҳбарлар уни ўриб-йиғиб олишни ўз ҳолига ташлаб қўйдилар. Шу сабабли ўрим-йиғим бошлангандан бери ўтган бир ой, мобайнида 2824 гектар ғалла ўриб олинди. Агар аҳвол шу зайлда давом этадиган бўлса, колган бугдой ва арпани йиғиштириб олиш учун янада камида 4 ой вакт ғалаб этилади.

Район хўжаликларида ғалла нобудгарчилиги ҳам авжига чиққан: аллақачонлар пишиб етилган арпа ва бугдой ўриб олинмай қавжираб тўкилиб кетяпти. Катта майдонлардаги дон қуш-кумирсаларга ем бўлмоқда. Хирмонларда контролнинг бўшлигидан фойдаланган айрим қўли эгри кишилар донни талон-торож қилиш йўлига ўтиб олаётганлиги каби ҳунук фактлар ҳам содир бўлмоқдаки, бунга шошилинч равишда ва қатъият билан барҳам бериш зарур.

Денов, Сариосиё ва Шўрчи районларида ғалла майдонлари жуда оз, ишчи кучлари ва техника воситалари эса кўп бўлишига карамай, мавжуд экиннинг факат 10—20 процента ўриб олинди. Бу районлардаги айрим колхоз ва совхозларда ҳанузгача ўрим-йиғимга чина. камига киришилгани йўк. Мавжуд техника ва ишчи кучларидан рационал фойдаланилмаётганлиги сабабли тузилган графиклар когозда колиб кетяпти. Шуниси таажжублики. мазкур районларда ўрилган ғаллани янчиш сунъий равишда чўзиб келинмоқда. Бунга мутлақо йўл қўйиш мумкин эмас. Ўрилган ғалла пешма-пеш янчилиб, давлат омборларига жўнатилиши шарт!

Областда ғалла ўрими суръатини икки баравар кўтариш ва сифатини тубдан яхшилаш учун барча имкониятлар мавжуд. Ишчи кучлари ҳам, қудратли техника ҳам етарли. Афсуски, шундай бўлишига карамай, қулай фурсатлар ўтиб кетяпти. Ғалла ўримида эса сезиларли ўзгариш бўлмаяпти. Ўрим мавсуминнинг бекорга ўтган ҳар бир куни нобудгарчиликка сабаб бўляпти. Ғаллакор хўжаликларнинг раҳбарлари бундан жиддий хулоса чикариб олмоқлари ва ўрим-йиғим суръатида кескин бурилиш ясамоқлари зарур. Область партия, совет ва хўжалик ташкилотларининг раҳбарлари талабчанлик ва контролликни ҳар қачонгидан ҳам кучайтиришлари даркор. Агар шундай килинмаса, неча юзлаб тонна дон нестнобуд бўлиб кетиши мумкин. Бунга йўл қўйиб бўлмайди.

А. ХАЛИЛОВ.

СУРАТДА: Тошкент область Янгийўл районидаги Жданов номли колхозда ғўза қатор ораларига ишлов бериш қизитиб юборилди. СУРАТДА: тажрибали сувчи **Абдували ТУРАҚУЛОВ.**

Қ. Розиқов фотоси. (ЎзТАГ).

ПЛАН 500 ПРОЦЕНТГА ЕТКАЗИЛАДИ

Булунгур районидаги боғдорчилик-узумчилик ва виночилик совхозининг деҳқонлари бу йил донли экинлардан мисли кўрилмаган мўл ҳосил етиштирдилар. Совхоз мирзакорларининг Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети VIII пленуми карорларини амалга ошириш ва дон етиштиришни кўпайтириш мақсадида олиб борган курашлари ана шундай яхши натижа берди. Улар ҳосил ўрим-йиғимига пухта тайёргарлик кўрган ҳолда киришдилар ва уни юксак уюшкоклик билан давом эттирияптилар. Бу ерда кун сайин кўпрок майдондаги ғалла ўриб олиняпти ва пешма-пеш янчилиб, давлатга топширляпти.

Шу туфайли совхоз дон тайёрлаш планини муддатидан илгари 117 процент қилиб бажарди. Ватан омборига 1170 центнер дон топширилди.

Совхоз коллективи етиштирилган ҳосилнинг жуда мўллигини ҳисобга олиб ва ўз имкониятларини чамалаб кўриб, давлатга пландан ташқари 4000 центнер дон топшириш ва планни 500 процентга етказиш мажбуриятини олди.

Пландан ташқари дон тайёрлаш давом этяпти.

Лирик шеърлар

БЎЙСУНМАДИ ҲЕЧ

Чўқмор билан тоғни йўнсам, етар
қудратим,
Игна билан қудуқ казсам ҳам...
Адашганни йўлга солдим,
тойса нўтардим,
Кўмаи бердим, ўзим тойсам ҳам.
Ҳаёт қизик,
кураш, енгиш, олдинда бориш,
Кураш — дардни пинхон тутиш ҳам.
Дўстинг учун изтиробда
ўртаниш, ёниш,
Кураш — мажбуран унутиш ҳам.
Курашларнинг барида енгиб ўтолдим,
Кўмак берди
ёшлик, ғурур, куч
Ўзимни ҳеч енголмадим — қўлим
нўтардим,
Юрак менга бўйсунмади ҳеч.

КЕЧИР МЕНИ

Илк севгимни дилга беркитдим,
Ғурур шунга ҳукм айлади.
Сени хўбам интизор этдим,
Сўз айтолмай тилим бойланди.

Журъат топдинг, кўнгил дафтаринг
Варақларин очдинг бирма-бир.
Учидиму севгинг, дардларинг
Ҳамдардликка қўймади ғурур.

Мен синдирдим кўнглинг розини,
Ҳукмронлик қилди шу ғурур.
Чалинганда муҳаббат сози
Қайда энан бу юрак қурғур?!

Йиллар ўтди, лекин юранда
Алла қандай бир оҳи қолди...
Илк севгимни ювдим йўлдандан,
Дил уйида у боқи қолди.

Йиллар ўтди,
ўтар яна замонлар,
Ҳайкали ёнида машъал порлайди.
Қор ёғар, гоҳида урар бўронлар,
Ел елпиб ўтар-у ўчиролмайди.

Ловуллар, кўксида туғёни уммон,
Тафтида эрийди чилланинг қори.
Гоҳида изгирин нўтарар уввос,
Лекин чеқинар у, куриб мадори.

Дўл, селлар қўрийди машъал кўксида,
Қайрилар шиддаткор елнинг каноти...
Шеър шайдоси келса, машъал
«ўксинди —»
Тебранар... бу шоир — шеърга ҳурмати.

Машъала ловуллар сўнмагай нури,
У ҳушёр соқчидай туну-кун бедор.
У мангу — боқийдир шоирнинг умри,
Токи, ҳар юранда ишк бор, ғазал бор.

Аёз тун... изгирин элитар гоҳи,
Машъални бир нафас «уйну» олади,
Ел эсса, пирпираб тебранган чоғи,
Она — ер бетоқат бир тўлғонади.

Сўнг шивирлар:
Ухлашга ҳаққинг йўқ, ҳаққинг йўқ.
йўқ, йўқ,
Сўнишга ҳаққинг йўқ, ҳаққинг йўқ,
ҳа, нўк!
Сен ахир мангулик машъали — туғи,
Сен ахир шоир юрагин чўғи.
Сен шоир қудратин авлод-авлодга
Элтурсан, ғазалин солурсан ёдга.
Ухлашга ҳаққинг йўқ сенинг
шу важдан,
Сўнишга ҳаққинг йўқ, буюрган Ватан.
Мен она, сен эса менинг кўксимда,
Енурсан, сен менинг дилим чашмаси,
Мен она, онаман, мени ўкситма,
Ен бедор, нурингга ташнаман!
Йиллар ўтар, машъал уйғондир, уйғоқ
Замонлар ўтарлар уйғоқ бўлар у.
Она ер уйготар гар босса мудроқ:
Ухлашга ҳаққинг йўқ,
Сўнишга ҳаққинг йўқ!

С Ў З

Фикр гавҳари сўзлар
Дил мулкининг дурлари...
Умид, нажотдир сўзлар,
Узайтар умрларни,

Гоҳо киши қисматин
Қаро этар бир сўз ҳам.
Гоҳо нафси — иззатни
Пора этар бир сўз ҳам.

Хаста юран фил мисол
Куч оларкиш бир сўздан,
Ер ваъда этса висол
Гулхан ёнармиш нўзда.

«Рад» сўзи ортар дилга
Зилу-замин юкини,
Макр кирса-чи тилга
Тоғ ҳомат ҳам букилур.

Хусумат сўзланса гар
Забун айлар ўкинчи
Кўнгилнинг сози синар
Ёрда қолса ўтинчи.

Забун айлар, ўкинчи
Билмаса сўз тарози.
Инсон эмас ўтинчи
Гул висол дилнинг рози.

МАНГУ УМР

(ШОИР ҲАЙКАЛИ ЕНИДА МАНГУ МАШЪАЛ ПОРЛАБ ТУРИБДИ)

Афсус шоир ўтди оламдан,
Ленин ёққан чироғи қолди.
Шоирларда ўткир қалами,
Ер кўксида фироғи қолди...

УРУШ НЕЧУН?

(УРУШ ОЛОВИНИ ЕҚУВЧИ ЖАНОБГА)

Уруш нечун, чечакларни сўндирмоқ
нечун,
Ғўдакларнинг умр шаъмин сўндирмоқ
нечун,
Оналарнинг пайпонасин тўлдириб ғамга,
Сочларига оппоқ қиров қўндирмоқ
нечун?

Ёниб харир кўйлагини вьетнамлик қиз
Кийди дағал гимнастерка, ушлади қурол.
Неча олам нурган ғўдан отасиз, эсиз,
Келинчакнинг завол етган ёшлиги увол.

Гул қайчимас, қурол кенса бобо қўлида,
Кашта эмас, қурол тутган кенса оналар.
Висол эмас, йиғитларнинг фикру-ёнида,
Ватан тақдир, севги — бари
оташда ёнар.

Нега ширин таомларга нўшасиз оғу?
Нафратларга қоришириб инсонлик
нрмин.
Наҳот, алла тинглаганда субҳидам чоғи
Наҳот, наҳот эсламайсиз мунис онани?
Боғлар оша тараланда она алласи,
Ҳиссиётга ғарқ бўларку тош бағрлар
ҳам.

Жаллодни ҳам аллалаган албат онаси
Алла айтиб, балки азгу ҳаеллар сурган.
Розиминан она бугун берган сутига
Розимикан улғайтирган жаллод ўғлидан.

Гунохсизлар ёстиғини ёқиб, қуритган
Фарзандини оқ қилмади, қилмади нега?
Балки она тирик эмас,
оламдан ўтган
Балки ўғил онани ҳам
ўкларга тутган.

Эътибор ОХУНОВА.
1968 йил.

ШУНАҚАСИ ҲАМ БЎЛАДИ

„АСАЛАРИЛАР ПОСБОНИ“

Катта тол тагидаги кенг супачада Охунжон ака билан сухбатлашиб ўтирардик. Охунжон аканинг ўғли Миражон узатган чойдан бир хўплаб, атрофга назар ташладим Қатор қилиб қўйилган асаларилар қутиси бир гектарли боғнинг ҳуснига-ҳусн қўшиб турибди. Супача ёнида юрган товуқлар билан майна қуш ҳам ўтиб қолди. Қушнинг одамдан чўчимаганига ажабландим.

Охунжон ака «майнахон бу ёққа кел» дейиши биланоқ қўлига келиб қўнди. Бир икки марта сайраб, яна товуқлар ёнига учиб кетди

— Ўтган йилнинг бахор ойлари эди, — деди Охунжон ака, — қишлоғимиздаги катта кўчадан болалар ўтиб колди. Уларнинг қўлида янги тухумдан чиққан қушнинг учта боласи бор эди. Жониворлар қип-қизил гўшт, раҳмим келиб, болалар қўлидан уларни олиб уйга қайтдим Лекин иккитаси касалга чалиниб нобуд бўлди Биттаси тирик колди Мен уни гўшт беріб боқдим. Майна кечасию кундузи товуқлар билан бирга бўлади

Майна қушнинг яхши фазилатларидан яна бири, мен боқаётган асаларилари қўриқлайди Яшикка якинлашган «душманлар» — новоқ ари ва чумак ари, пашша ва чумолиларни йўлатмай сарғюмлаб қўяди

Бизни Охунжон ака Иброҳимов асаларилар ёшиги гомон бошлади Ҳакиқатан ҳам майна қуш асалари яшигига якинлашаётган чумоли ва пашшаларни бирма-бир кириб турибди.

Н. РАҲИМОВ.

Фарғона район Навоий номли колхоз.

фида танишиб қолишди. Бир-бирига меҳри тушди. Ўлар амир амалдорлари томонидан сарбозликка олинган эдилар.

Сарбозлар орасидаги бош-бошдоқлик, фисқу-фасод, даҳшатли ҳаёт уларда амир салтанатига, унинг сарбозларига, тузум ва турмушига нисбатан ғазаб уйғотди. Кўп ўтмай, уччалови гапни бир жойга қўйиб, сарбозликдан қочди. Кўгон депосига ишга киришди. Бу ерда рус ишчилари билан дўстлашишди.

— Ҳамдам, мен билан кетмайсанми? — кунларнинг бирида рус ишчиларидан бири Мирзаевдан сўради.

— Қаёққа?

— Россияга, ички Россияга.

— Юртдошларимни ташлаб кетолмайман-да.

— Уларга ҳам айт. Агар хўп дейишса, кетдик.

Ҳамдам Мирзаев кечқурун бу ҳақда Назир Абдураҳмонов билан Ражаб Наимовга маслаҳат солди.

— Рус оғалар олиб кетамиз дейишса кетганимиз маъқул. Бу ерда узоқ туришимиз ҳам хавфли. Тўгилиб ўсган қишлоғимизга борсак, яна амалдорлар тузоғига тушамиз... — дейишди улар обдон ўйлагач.

... Бир неча кун оч-наҳор, ёпиқ-яширин йўл босганларидан сўнг катта ва қадимий фабрикага кириб бордилар.

— Иваново — Вознесенский деб эшитганмисизлар? — сўради йўловчи йигит.

— Ҳа, темир йўлчилар буни тез-тез тилга олиб туришарди.

— Эшитган бўлсаларингиз, ўша Иваново — Вознесенский фабрикаси мана шу, — деди кишилар билан гавжум, мўри ва пештоқларини қуруқ ҳамда чанг босиб кетган бинони кўрсатиб.

Узоқ Ҳисор ўлкасининг уч ўғлони рус йигити ёрдамида фабрикага ишга жойлашди.

Октябрь инқилоби ғалабасини улар Россияда қучоқ очиб кутиб олдилар. Улар ўз юртининг, ўз халқининг ҳам ана шундай озодликка чиқиши ҳақида ўйлар, орзу қилардилар. Бу ният уларни яна Когонга бошлаб келди. Улар бурунги содда, авом одамлар эмасди. Янги тушунча, янги гоя билан қуролланган эдилар. Бу вақтда Когонга ҳам Октябрь революциясининг шамоли келиб етган эди. Халқ ғазабга тўлган эди. Революцион руҳдаги тўгараклар амир кирдикорларини очиб ташловчи варақалар, газета ва мурожаатлар тарқатардилар. Бу соҳада тажриба тўплаган уч ўғлон биринчи топшириқдаёқ синовдан ўтдилар. Тўгаракка аъзо бўлиб кирдилар.

... Анбарсой, Хўжасоат, Шайтонқишлоқларни бир-бири билан боғлайдиган ёлғиз оёқ чанг кўчадан эшак минган киши кетяпти. Қўлида тугун. Денов бозоридан қайтган йўловчиларга тугундаги варақа ва газетадан улашаркан, «Ўқитиб кўринг мулла ака, ичида кўп яхши гаплари бор» деб тайинлайди. Кишилар бунга гоҳ ҳайрон бўлиб, гоҳ қизиқиб, уни олардилар-да, йўлларида давом этардилар.

... Бир кечада қишлоқда гап ёйилди:

— Тангизтепа, Жиндибулоқ мачитларига кимдир варака ёпиштириб кетибди...

Бозорчиларга варақа улашган, мачитларга мурожаат ёпиштириб чиққанлар Иваново — Вознесенскийдан қайтган ҳисорсойлик уч ўғлон эди. Улар Бухоро иштирокиюн фирқасининг топшириғига биноан бу ерга келган ва халқ ўртасида газета, варақа — мурожаат тарқатиш ҳақида топшириқ олишган.

Амир салтанати қулади. Олимхон қочиб кетди. Аммо Ғузор, Сурхон воҳаси босмачилар маконига айланиб қолди. Партия ва ҳукумат Шарқий Бухоронн ватанфурушлардан тозалаш чораларини кўрди. Ҳисор экспедицион отряди ҳам шу мақсадда тузилган эди. Ҳамдам Мирзаев, Ражаб Наимов ва Назир Абдураҳмоновлар бу отряд сафида Ҳисорсойга келдилар. Қизил отрядга йўлчи бўлишди

Шиддатли жангларда Ғузор, Бойсун даштлари босмачилардан тозаланди. Совет ҳокимияти органлари ташкил этилди. Уларга ишончли, содиқ кишиларни тайинлаш керак эди. Шунинг учун ҳам Назир Абдураҳмонов Миршодида, Ражаб Наимов Чумчуқжарда, Ҳамдам Мирзаев Сариосиёда қолдирилди. Уларнинг бири опратком, иккинчиси эса озиқ-овқат етказиб берувчи. Ҳамдам Мирзаев эса наклёд — алоқа ишларини юргизиш вазифасини ўтади. Халқ ўртасида тарғибот ишларини олиб борди. Газета ва варақалар тарқатди Буни эса каллакесар босмачилар кўришолмади. Қандай қилиб бўлса ҳам уларни йўк қилишга ҳаракат қилдилар.

Разил ва қора ниятли босмачилар ўз мақсадларига эришдилар. Аммо, халқ бахти, юрт озодлиги йўлида яловбардор бўлган, узоқ Ҳисорсой кишлоқларида Бухоро иштирокиюн фирқаси гояларини тарғиб қилган, «Иштирокиюн» газетасини ва доҳий В. И. Ленин имзо чеккан Бутуниросия ва Туркистон меҳнаткашларига қарата чиқарилган мурожаатни тарқатган, кишилар қалбига нур, эзгу бўлиб кирган бу уч ўғлон ҳали-ҳали одамлар қалбида яшамоқда.

А. ҲАМЗАЕВ.

Шўрли мамлакатларда

Вьетнам Демократик республикаси тепасида уриб туширилди

ХАНОЙ. (ТАСС). 20 июнда Вьетнам халқ армиясининг зенитчилари Вьетнам Демократик Республикасининг осмон чегарасини ёриб ўтган Америка самолётини Нгеан вилояти тепасида уриб туширдилар, дейилади Вьетнам информация агентлигининг хабарида. Вьетнам Демократик Республикаси осмонида уриб туширилган Америка самолётларининг умумий сони 19 июнда 2982 тага етди.

ИШ ТАШЛАШЛАР

● ИТАЛИЯ

РИМ. Италия полиграфчилари кейинги ҳафтада иккинчи марта иш ташладилар. Улар янги коллектив шартнома тузишни талаб қилиб 24 соатлик забастовка ўтказишди.

Забастовкада газеталарнинг ходимларигина эмас, информация агентликларининг ходимлари ҳам қатнашмоқда. Шу сабабли Италияда бир кун ҳеч қандай газета ва ахборот чиқмади.

Кейинги вақтларда забастовка ҳаракати Италиянинг ҳамма районларига ёйилди. Забастовкачилар ўзларининг турмуш ва меҳнат шароитига алоқадор энг зарур проблемаларни дарҳол ҳал этишни талаб қилмоқдалар. Чунончи, «Италсидер» компаниясининг энг катта металлургия корхонаси бўлган Пиомбино шаҳридаги корхона ишчи ва хизматчилари 24 соатлик забастовка ўтказишди. Римдаги «Аполлон» босмахонасининг ишчилари ўзларининг ўрток-ларидан 300 кишини маъмурият ишдан бўшатишга қарор қилганлигига қарши норозилик билдириб, корхонани эгаллаб турганликларига икки ҳафтадан ошиб кетди. Триестдаги «Сан-Марко» кемасозлик корхоналарининг ишчилари иш ташлаганликлари туфайли бу катта корхоналарда иш тўхтаб қолди. Палермо ва Антонда бинокорлар забастовкаси давом этмоқда.

Деҳқонлар курашга актив қўшилдилар. 10 мингдан кўп деҳқон тракторлар ва бошқа қишлоқ хўжалик машиналари билан Режо-Эмилия шаҳрига келиб, кўчаларда катта намойиш ўтказдилар. Улар умумий бозор доирасида ишлаб чиқилган ва қишлоқ хўжалигига тааллуқли бўлган қарорлар Италия деҳқонларига катта зарар етказишини айтиб, бу қарорларни бекор қилишни талаб этишди. Римда батраклар йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишга тўпланган 2500 батрак янги коллектив шартномалар тузишни ва қишлоқ хўжалик ишчиларини иш билан тўлиқроқ таъминлашни талаб қилишди.

● ФРАНЦИЯ

ПАРИЖ. Марсель портининг меҳнаткашлари иш бошлашга қарор қилди. Уларнинг забастовка кураши бир ой давом этди. Порт касаба союзи маъмурият билан қаттиқ музокаралар олиб боргандан кейин меҳнаткашлар катта галабани қўлга киритдилар, ўзларининг бир қанча талабларини қондиришга эришдилар. Тузилган битимга кўра, жумладан, асосий иш ҳақини қарийб 17 процент кўпайтириш, иш ҳақининг муайян турлари учун тўланадиган қўшимча ҳақни ҳам 7—10 процент ошириш кўзда тутилади.

● УРУГВАЙ

ПАРИЖ. Уругвай меҳнаткашлари яқинда шу мамлакат ҳукумати қабул қилган фавқулодда «Хафсизлик чоралари»га қарши норозилик билдириб, 24 соатлик яллий забастовка ўтказишди. Бу фавқулодда чоралар митингларни, йиғилишларни, забастовкаларни ва меҳнаткашларнинг ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган бошқа чиқишларини таъқиқлаб қўйган эди.

Франс пресс агентлиги мухбирининг Монтевидеодан берган хабарида айтилишича, забастовкачилардан 35 киши қамоққа олинган ва бир неча юз хизматчи ишдан ҳайдалган.

Чехословакия, Польша ва Чехословакия территориялари да ўтадиган, Варшава шартномаси қатнашчилари бўлган ма млакатлар армияларининг қўшма команд-штаб машқларига тайёргарлик кетмоқда.

Суратда: алоқа бўлинмасида хизмат қилувчи Чехослова кия ва совет жангчилари тажрибаларини алмашмоқдалар, қуроллари билан таниш мокдал ар. ЧТК—ТАСС телефотоси.



Монголия Халқ Республикасининг пойтахти — Улан-Батор халқ хонимияти йилларида таниб бўлмас даражада ўзгариб кетди. Суратда: Улан-Батор да қурилган Дўстлик кўприги. А. Спиркин фотоси (ТАСС фотохроникаси).



Берлин — ГДР пойтахти манзаралари. АДН — ТАСС фотоси.

ИҒВОГАРЛИКЛАР ДАВОМ ЭТЯПТИ

ПАРИЖ, 21 июнь. (ТАСС). Исроил ҳарбийлари Иордания билан ўт очишни тўхтатиш линиясидаги вазиятни кескинлаштиришни давом эттирмоқда.

Франс пресс агентлигининг Аммондан хабар беришича, кеча тушда Исроил қўшинлари Иордания билан Исроил ўртасида ўт очишни тўхтатиш тўғрисидаги битимни бузиб, Иордан водийсининг жанубий қисмида жойлашган Алленби кўприги атрофида Иордания қўшинларининг позицияларига қарата пулеметдан ўт очганлар. Бошланиб кетган отишма бир соат чамаси давом қилган.

Иордания ҳарбий қўмондонлиги вакилининг хабар беришича, Иордания қўшинлари шу отишма чоғида талафот кўрмаганлар.

СОЛИҚЛАР ОШИБ БОРМОҚДА

ВАШИНГТОН, 21 июнь. (ТАСС). Кеча АҚШ конгрессининг вакиллар палатаси мамлакатда солиқларни ўн процент ошириш тўғрисидаги қонун лойиҳасини қабул қилди. Шу билан бир вақтда палата федерал бюджетнинг ҳаражат қисмини 6 миллиард доллар миқдорида қисқартиришга қарор қилди. Бу тадбирлар АҚШ президенти Жонсоннинг илтимосига биноан қабул қилинди. Президент Жонсон, Вьетнамдаги урушни пул билан таъминламоқ, халқаро валюта бозорида қадри кетиб қолган долларни мустаҳкамламоқ учун ва АҚШ ичида инфляцияга қарши курашмоқ учун шундай чоралар кўрилиши зарур, деган эди.

Дастлабки ҳисобларга қараганда, солиқларни ортириш натижасида давлат хазинасига қўшимча равишда яна 15,5 миллиард доллар пул тушади. Бугун сенат вакиллар палатаси қабул қилган қонун лойиҳасини маъқуллаб, уни имзо чекиш учун президентга йўллайди, деб кутилмоқда.

МЕҲНАТ ВА КАПИТАЛ

БОРДО портининг докерлари кўп кун давом этган забастовкадан сўнг иш ҳақининг 16 процент оширилишига эришиб ва иш ҳафтасини қисқартириш тўғрисида хўжайинларнинг розилигини олиб, яна иш бошлаб юборишди. Айни вақтда Парижда, «Клебер-Коломб» трести химия корхоналарининг ишчилари ўз талабларини бажаришдан маъмурият бош тортганлиги учун ўзлари эгаллаб турган цехдан чиқиб кетмаслиқка ва забастовкани давом эттиришга қарор қилдилар.

Францияда оммавий забастовкаларнинг тўртинчи ҳафтасида хўжайинларни ва маъмуриятни анча ён беришга мажбур қилган меҳнаткашлар ишлаб турган корхоналар ва муассасаларнинг бир қисми ишни яна бошлаб юборди. Масалан, юз мингдан кўпроқ киши ишлаб турган авиасозлик саноати корхоналари, тўқимачилик саноати корхоналари, баъзи давлат муассасалари, аҳолига хизмат кўрсатиш билан шуғулланувчи корхоналарда шундай қилинди.

Бироқ, энг асосий тармоқ бўлган автомобилсозлик саноатида оммавий забастовкалар давом этмоқда. Машинасозлик саноатида ва уй-жой қурилиши соҳасида касаба союзлар ва хўжайинларнинг вакиллари ўртасида олиб борилаётган музокаралар қозирча натижа бергани йўқ.

Пойтахтдаги кўпгина йирик магазинларнинг хизматчилари, шаҳар транспорти ходимларининг бир қисми забастовкани давом эттирмоқда.

Забастовкачилар ўз талабларимизни бажартиришга хўжайинлар ва ҳукуматни албатта мажбур қиламиз, деб қаттиқ туришибди.

ЯПОНИЯ миллий темир йўллар бошқармаси темир йўлчиларнинг ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиб, шу йил апрель ойи охирида ўтказган забастовкаларида қатнашган ишчи ва хизматчилардан 22 киши ишдан ҳайдалганлигини эълон қилди. Транспорт хизматчилари ва ходимларидан қариб 1300 кишининг иш ҳақи камайтирилди ва улар огоҳлантирилди.

Иш ташлаш қонунан таъқиқланиб қўйилган темир йўл ходимлари иш ҳақини ошириш тўғрисидаги талабларини қондиришдан маъмурият бош тортганидан кейин забастовка ўтказишди. Улар транспортда «рационализация» ўтказиш планларига ҳам қарши чиқдилар, чунки бу планлар амалга оширилган тақдирда темир йўлчилардан 50 минг киши нам ҳақ тўланадиган ишга ўтказилади ёки ишдан бўшатиб юборилади.

БОЛИВИЯДАГИ муаллимлар ўзлари қўйган талабларни қондириш учун қаттиқ курашмоқдалар. Пресса Латина агентлиги мухбирининг Ла-Пасдан берган хабарида айтилишича, муаллимлар иш ҳақини оширишни ва маориф эҳтиёжларига берилаётган маблағни кўпайтиришни талаб қилиб, яна иш ташладилар.

Мамлакатнинг бир қанча шаҳарлари ва қишлоқ районларида ишчилар, деҳқонлар ва студентлар муаллимлар билан бирдамлик юзасидан оммавий намойишлар ўтказдилар. Армия ва полициянинг намойишчиларга қарши юборилган отрядлари намойишчилардан шафқатсиз ўч олдилар.

Боливия режимининг бошлиғи генерал Барриентос армия ва полиция раҳбарлари билан ошиғич кенгаш ўтказди. Президентнинг шахсий гвардияси ва шу гвардия билан бирга парашютчилар отряди жанговар тайёр ҳолга келтириб қўйилди.

МИЯНТТИЯ деган жойдаги «Серлакиус» целлюлоза-қоғоз комбинатининг ишчилари, деб хабар беради «Кансан Уутисед» газетаси, меҳнат шароитини яхшилашни талаб қилиб, иш ташладилар. Уларнинг забастовкаси бир неча кундан бери давом этмоқда.

Венесуэла Компартияси Марказий Комитетининг Баёноти

КАРАКАС, 21 июнь. (ТАСС). Венесуэла Коммунистик партияси Марказий Комитетининг бу ерда эълон қилинган баёнотида айтиладики, Совет Иттифоқи экономикасининг ўсиши ва ривожланиши, фан ва техника тараққиёти, совет меҳнаткашларининг турмуш даражасининг яхшиланиши, шунингдек СССРнинг озодлик учун курашаётган халқлар билан бирдамлиги миллий мустақиллик учун олиб бораётган курашимизда бизга мададкор бўлмоқда.

«Латин Америкаси халқлари, дейилади баёнотда, бизни Қўшма Штатлар билан боғлаб турган янги мустамлакачилик кишанларини парчалаб ташлашга интилиб, кейинги ўн йил ичида кескин кураш бошлаб юбордилар. Коммунистик партиялар бошчилик қилаётган бизнинг ҳаракатимиз кундан-кунга вояга етмоқда. Босиб ўтилган йўл, муваффақиятлар ва мағлубиятлар бизни чиниқтирмоқда».

Венесуэла Коммунистик партиясининг фикри шуки, ҳозирги халқаро вазият мамлакатимизда реакцион гуруҳларга қарши чиқаётган ва халқ оммасининг манфаатларини кўзловчи сиёсий ва иқтисодий ўзгаришлар учун курашаётган прогрессив кучларнинг ривожланишига қулайлик туғдирмоқда.

Эксплуатация ва қашшоқликдан қутилиш, ишсизлик ва очликдан халос бўлиш бизнинг биринчи галдаги вазифамиздир, дейилади Венесуэла коммунистларининг баёнотида.

Хэмфрининг айтганлари

ВАШИНГТОН, 21 июнь. (ТАСС). Қўшма Штатларнинг вице-президенти ва президентлик лавозимига ўз номзодини қўйилишига уринаётган Хэмфри матбуот миллий клубида сўзга чиқиб, АҚШнинг ички проблемаларига тўхталиб ўтди. «Мартин Лютер Кинг ва сенатор Роберт Кеннеди ўлдирилганлиги, деди вице-президент, ҳозирги вақтдаги Америкада жиноятчилик ва зўравонлик қилиш тобора оддий бир ҳол бўлиб қолаётганлигини» кўрсатиб турибди.

Мамлакатда, деди Хэмфри, «инсоний фазилат поймол қилинмоқда, қулбаларимиз ифлос, ишсизлар тобора умидсизланмоқда ва саводсизлик одамларни ишдан чиқариб қўймоқда».

Қўшма Штатларда, деди Хэмфри, ҳар йил 8 минг ва ундан кўпроқ киши ўлдирилаётир, 4 миллиондан кўпроқ бошқа ҳар хил жиноятлар содир бўлмоқда. «Америкадаги ҳар ўн уйдан еттитасида қурол бор, телевизорлар гангстерларни мисол қилиб шу қуролдан қандай фойдаланишни болаларга кўрсатив турибди,» деди Хэмфри.

30 июнда — ютуқлар тиражи

30 июнда Читада 1966 йилги давлат 3 процентли ички ютуқ заёмининг навбатдаги —ўн олтинчи ютуқлар тиражи ўйналади.

СССР давлат омонат кассалари ва давлат банкининг давлат кредити бош бошқармасида ТАСС мухбирига қуйидагиларни айтишди: ютуқлар тиражида заёмнинг ҳар бир разрядига жами 512.560 сўмлик 9400 та ютуқ ўйналади. Булар орасида 5 минг сўмлик, 2.5 минг сўмлик, 1000 сўмлик, 500 сўмлик, 100 сўмлик ва 40 сўмлик ютуқлар бор.

Давлат 3 процентли ютуқ заёмининг эндиги тиражи 15 августда Вильнюсда ўтказилади. 1968 йилда бу заёмнинг тираж ўйинлари яна 30 сентябрда, 15 ноябрда ва 30 декабрда ҳам ўтказилади.

(ТАСС мухбири).

Редактор М. КОРИЕВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

РАДИО БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

8.25 — Қўшиқлар, 9.30 — Лирик қўшиқлар, 10.30 — Шарқ куйлари, 11.15 — «Табассум» радиожурнали 12.15 — «Эрталабки салом» (Москва), 13.30 — Озарбайжон эстрадасининг концерти, 15.00 — Саволларга жавоблар, 15.10 — Концерт. 17.40 — Экран янгиликлари, 18.00 — «Музикали салом», 18.40—Р. Штраус. «Тиль Уленшпигель», 19.20 — Концерт, 20.00— «Ёшлик» программаси, 20.30 — Енгил куйлар, 21.00 — «Дунё харитаси олдида», 21.20—Дам олиш концерти, 23.10 — «Ҳайрли кеч» (концерт).

ТЕЛЕВИДЕНИЕ БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

10.55 — **Кўрсатишлар программаси.**

Рус тилида: 11.00 — **Хазина изловчилар** (мультфильм), 11.10 — **«Колокольчик» клуби**, 11.35 — **Оз номли мамлакат сеҳргари** (телеспектакль).

Ўзбек тилида: 13.00 — **Дўстлар қучоғида** (ўқувчилар учун), 13.30 —**Отни ким эгарлайди?** (бадиий фильм), 17.55—**Кўрсатишлар программаси**, 18.00—**Концерт**, 18.30—**«Ахборот» информацион программаси** (рус тилида), 19.00 — **Азамат ўлка ёшлари** («Ёшлик» кўрсатади), 19.50—**Лўли** (бадиий фильм, рус тилида), 21.10 — **«Ахборот» информацион программаси**, 21.40 —**Адабиёт ва санъат журнали.**

22.45 дан — **Москва кўрсатади.**

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

Ўзбек тилида: 11.00 — **Ўқув эшиттиришлари программаси. Олий ўқув юртларига кирувчилар учун физикадан машғулот**, 12.00— **Олий ўқув юртларига қабул қилиш қоидаларидаги айрим ўзгаришлар ҳақида.**

13.00 дан — **Москва кўрсатади.**

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

Фрунзе кўрсатади

Рус тилида: 18.05 — **Экран — болаларга**, 18.25—**Сеҳргар қалам**, 18.55 — **Концерт**, 19.30 — **Пуччини. Чио-Чио-Сан** (Академик опера ва балет театрининг спектакли олиб кўрсатилади), 20.00 — **Кўрсатишларнинг охири.**

ТЕАТР

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 23/VI да **Икки билакузук**, 24/VI да **Гавҳари шамчироқ.**

КИНО

Сўнгги чақмоқлар — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», НАВОИЙ номли (кундуз ва кечқурун).

Тоғдаги яккама-якка олишув — «ДРУЖБА» (тоқ соатларда), «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқурун).

Саргузашт қидирувчилар — «ЧАЙКА» «ВОСТОК», «МОСКВА» (кундуз ва кечқурун)

Ҳиндлар суянчиғи — САНЪАТ САРОЙИ (кундуз ва кечқурун).

Сиртқи — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Ишчи кундалиги — «ДРУЖБА» (жуфт соатларда).

ЕЗГИ БИНОДА

(Кеч соат 9 ва 10.40 минутда)

Яхши жойлашибсан — ТЕЛЬМАН номли.

Сўнгги чақмоқлар — НАВОИЙ номли.

Саргузашт қидирувчилар — «ФЕСТИВАЛЬ».

МАРКАЗИЙ «ПАХТАКОР» СТАДИОНИДА
24 июнь
кеч соат 7 ярида
СССР биринчилиги учун
«ДИНАМО» (Кировобод) — «ПАХТАКОР» (Тошкент)
командалари ўртасида
ФУТБОЛ

ЎЗБЕКИСТОН ССР ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИ ЮТУҚЛАРИ ВЫСТАВКАСИДА
(«Ғалаба боғи»)
28 июнь
кундуз соат 4 да
«Р. Р. Шредер номли боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий текшириш институтининг асосий илмий масалалари» деган темада
ЛЕКЦИЯ ЎТКАЗИЛАДИ

30 июнда
Чита шаҳрида
3% ЛИ ДАВЛАТ ИЧКИ ЮТУҚЛАР ЗАЕМИНИНГ
15-ТИРАЖИ ЎТКАЗИЛАДИ
Тиражда заёмнинг битта разрядига 512560 сўмлик 9400 ютуқ ўйналади, шу жумладан 5000, 2500 1000 500, 100 ва 40 сўмлик ютуқлар бор
3% ли заём облигацияларини сотиб олинг!

«Ўзбекбирлашув»
ТОШКЕНТ КООПЕРАТИВ ТЕХНИКУМИ
1968-1969 ўқув йилига қуйидаги мутахассисликлар бўйича
ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ
Техникум кундузги ўқишга:
озиқ-овқат ва саноат товарлари товаршунослиги, саноат товарлари товаршунослиги, озиқ-овқат товарлари товаршунослиги, матлубот кооперациясининг бухгалтерлик ҳисоби, қишлоқ хўжалин махсулотлари товаршунослиги, овқатлар тайёрлаш технологияси, маданий товарлар товаршунослиги.
Техникум кундузги ўқишга ёши 30 гача бўлган тўлиқ, ўрта маълумотлиларни кундузги ўқишнинг II курсига, тўлиқсиз ўрта маълумотлиларни I курсига қабул қилади.
Аризалар 31 июльгача қабул қилинади.
Кириш имтиҳонлари 1 дан 20 августгача давом этади.
Ўқиш муддатлари:
овқат тайёрлаш технологияси, мутахассислигининг кундузги ўқишига, тўлиқсиз ўрта маълумотлилар учун 4 йил, шу жумладан 1 йил ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқийди.
Тўлиқ ўрта маълумотлилар учун кундузги ўқишга 3 йил, шу жумладан 1 йил ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда.
Бошқа мутахассисликлар бўйича тўлиқсиз ўрта маълумотлилар учун кундузги ўқишга 3 йил, ўрта маълумотлилар учун кундузги ўқиш 2 йил.
Ўқишга кирувчилар қуйидаги фанлардан имтиҳон топширадилар.
I курса: она тилидан (диктант), математикадан (ёзма ва оғзаки);
овқат тайёрлаш технологияси товаршунослик мутахассислигининг кундузги ўқишнинг 2 курсига: она тили ва адабиётдан — иншо, математикадан (оғзаки), химиядан (оғзаки);
Қолган мутахассисликлар бўйича: она тили ва адабиётдан (иншо), математикадан (ёзма ва оғзаки).
Ўқишга кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар:
директор номига танланган мутахассислиги кўрсатилган ариза маълумоти тўғрисида гувоҳнома ёки аттестат (асли), таожжиман ҳоли, бош кийимсиз олдирилган 3х4 см ҳажмидаги 4 дона фотосурат, ўқишга юборилганлиги тўғрисида матлубот кооперация ташкилотининг ва оммавий ташкилотларнинг рахбарлари имзолаган йўлланма, соғлиги ҳақидаги 286 формадаги справка, оила аъзолари ва моддий аҳволи ҳақида справка (кундузги ўқишга қабул қилинган ўқувчилар учун), паспорт ёки туғилиш гувоҳномаси, ҳарбий билети, ёки ҳарбий учётга олинган гувоҳномасини ўзи билан бирган келтиради.
Ўқишга қабул қилинганлар ёток-жой ва умумий тартибга биноан стипендия билан таъминланадилар.
Адрес: Фарғона шаҳри, Калинин кўчаси, 2-уй.
Телефонлар 52-96, 54-98, 52-92, 57-89

«УЗГЛАВВОДСТРОЙ»
ТОШКЕНТ ШАХАР ВА РЕСПУБЛИКА ОБЛАСТЛАРИНИНГ ҚУРИЛИШ-МОНТАЖ БОШҚАРМАЛАРИ ВА ИДОРАЛАРИДА ИШЛАШ УЧУН
трест бош бухгалтерлари (қурилиш, саноат бўйича), шунингдек **бошқарма аппаратига бухгалтер-ревизорлар**
КЕРАК
Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Навоий кўчаси, 8-уй, 2-ват, 10-хона, кадрлар бўлими.

Главташкентстрой «1-Ташстроспецстрой» трестининг
5-МАХСУСЛАШТИРИЛГАН БОШҚАРМАСИГА
ташқи коммуникация бўйича слесарь—сантехниклар, йўл ишчилари, 4, 5,6-разрядли газ электр пайвандчилари
КЕРАК
Меҳнат ҳаки—ишбай мукофот тарифасида
Ёлғиз кишилар ётоқхона билан таъминланадилар
Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Комбинат кўчаси 5-уй (7, 8, 10, 11-трамвайларнинг 1, 4, 6, 8, 10-троллейбусларнинг 8, 10, 11, 14, 23-автобусларнинг «Ўрда» бекати). Телефонлар 4-07-11, 4-05-37.

«ТАШКЕНТВОДСТРОЙ» ТРЕСТИНИНГ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШГАН КЎЧМА КОЛОННАСИГА
ишт тёрувчилар, кранчилар, дурадгорлар, бульдозерчилар
КЕРАК
Оилалилар ва ёлғиз яшовчилар жой билан таъминланадилар.
Иш ҳаки—ишбай ва мунофот тарифасида.
Кўчма характердаги иш бўлгани учун қўшимча коэффициент тўланади.
Мурожаат учун адрес: Тошкент область, Бўка райони, «Кўкорол» совхози.

СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ
Орган Центрального Комитета Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР.

БИЗНИНГ АДРЕС ВА ТЕЛЕФОНЛАР: ТОШКЕНТ, «ПРАВДА ВОСТОКА» КЎЧАСИ № 26. Редактор — 836545. Редактор ўринбосарлари — 837914, 839323. Масъул секретарь — 834455. Масъул секретарь ўринбосарлари — 837283. Партия турмуши — 833469. Марксизм-ленинизм назариясини пропаганда қилиш — 831216. Халқаро ҳаёт — 837604. Коммунистик тарбия — 831455. Саноат капитал қурилиш ва транспорт — 834780. Совет қурилиши — 833258. Қишлоқ хўжалик — 837604. Адабиёт ва санъат — 832036, 837221. Фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 834451. Маҳаллий ахборот ва спорт — 832347. Оммавий ишлар ва хатлар — 838679, 833553. Иллюстрация — 834524. Стенографистка — 837343. Корректура — 837162. Эълонлар — 838142. Коммутатор — 830249, 830250, 830251, 830252, 830253, 830254, 830255, 830256, 830257, 830258. ОБЛАСТЬ МУХБИРЛАРИ: Андижон 48—85, Бухоро 31—41, Қарши 3—08, Нукус 42—62, Самарқанд 31—972, Термиз 23—27, Фарғона 41—88, Урганч 34—55.

Б № 145. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети Бирлашган нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64633. Р. 02549.